

КИРИБ КЕЛАЁТГАН ЯНГИ ЙИЛ МУБОРАК!

Қонунчилик ва ҳуқуқ-тартибот учун!

1930 йил
12 майдан
чиқа
бошлаган



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИИВ НАШРИ

№ 90 (3320)

1999 йил 31 декабрь, жума

Сотувда эркин нарҳда

ЯНГИ ЙИЛ ТАБРИГИ

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги раҳбарияти, Ҳайъати ва шахсий таркиби номидан республикамиз ички ишлар идоралари ходимларини, фахрийларини, юртимиз, элимиз осойишталигини сақлаш йўлида бор кучи ва билимини аямаётган барча фидойи ҳамюртларимизни кириб келаётган Янги — 2000 йил билан самимий муборакбод этаман.

Янги йил — “Соғлом авлод йили” келажаги ёрқин фарзандларимизга, барчамизга бахт-саодат келтирсин.

Азиз ҳамкасблар!

Мамлакатимизда қонун устуворлигини мустаҳкамлаш, юрт тинчлигини таъминлаш борасида олиб бораётган шарафли ишларингизда Сизларга куч-қувват, саломатлик ва улкан муваффақиятлар тилайман.

З. АЛМАТОВ,

Ўзбекистон Республикаси
Ички ишлар вазири,
ички хизмат генерал-полковниги.

Бош муҳаррир минбари

МАРҲАБО, СОҒЛОМ АВЛОД ЙИЛИ!

Ушбу сўзларни яна бир неча соатлардан кейин, аниқроғи, Тошкент курантлари йилнинг сўнги сонияси ўтиб бораётганини билдириб бонг урганда ва телеэкранларда “2000” рақами ёзилган пайтда айтамыз.

Ҳўш, бу биз, мустақил Ўзбекистон фуқаролари учун нимани аниқлатади? Биринчи галда албатта, жорий йил, яъни мингйилликнинг сўнги йили якунланганини билдиради. Шу билан бирга ярим тунда, Тошкент курантлари сўнги бор бонг урганда мамлакатимизда Соғлом авлод йили бошланганининг гувоҳи бўламыз.

Ўзбекистонда келажаги буюк давлат барпо этиш йўлидаги яна бир муҳим ижтимоий вазифанинг бажарилишига киришилди. Ва бу вазифа Инсон манфаатлари, Оила ва Аёллар йилида олиб борилган хайрли ишларнинг мантиқий давоми ҳисобланади.

Шуниси қувончлики, баркамол авлодни тарбиялаш масаласи мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидан давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Суверен Ватанимизнинг биринчи ордени “Соғлом авлод учун” деб аталгани ва “Соғлом авлод учун” халқаро жамғармаси тузилгани бунинг тасдиғидир.

Соғлом авлодни камол топтириш аждоқларимиздан бизга ўтиб келаётган, қон-қонимизга сингиб кетган муқаддас интилишдир. Агар ота-боболаримизнинг турмуш тарзига, тафаккурига назар солсак, улар насб-насаб, етти пуштининг тозаллигига, авлоднинг соғлиғига жуда катта эътибор беришини кўрамыз.

Биз соғлом авлод деганда нимани тасаввур қиламыз? Президентимиз Ислам Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг етти йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган нутқда ушбу саволга: “Соғлом авлод деганда, шахсан мен, энг аввало, соғлом насли, нафақат жисмонан бақувват, шу билан бирга руҳи, фикри соғлом, иймон-эътиқоди бутун, билимли, маънавияти юксак, мард ва жасур, ватанпарвар авлодни тушунаман. Буюк давлатни фақат соғлом миллат, соғлом авлодгина кура олади”, дея жавоб қайтарди.

Барчамизга аёнки, фақат жисмоний жиҳатдан бақувват бўлган одамни тарбиялаш унчалик қийин иш эмас. Аммо уни ҳам жисмоний, ҳам маънавий камол топтириш гоят мураккаб вазифа. Буни назарда тутган Президентимиз “айниқса бугунги кунда — мафқуравий курашлар гоҳ ошқора, гоҳ пинҳона тус олган ҳозирги нозик, қалтис шароитда, таҳликали замонда бу масала ниҳоятда долзарб аҳамиятга эга” эканлигини алоҳида таъкидлади.

Бу ҳаётни оқар дарё дейишадди, тез ўтади-кетади. Шу қисқа фурсатда инсон халқ, Ватан, ўз фарзандлари ва келгуси наслар учун савобли ишлар қилиб улгуриши керак. Олижаноб халқимизнинг эзгу тасаввури ва тушунчасига кўра, ҳар бир одам дунёга келиб, учта хайрли иш: соғлом ва оқил фарзандни тарбиялаб вояга етказиши, ўз оиласи ва фарзандлари учун иморат қуриши ҳамда келажакни ўйлаб яхши ният билан дарахт ўтказиши зарур.

Юртбошимиз бу инсоний интилишларда миллатимизнинг баркамол авлод ҳақидаги орзу-умидлари, ўзбек халқининг ҳамма орзу-хаваслари, ҳаётининг мазмунини фарзандларининг келажаги, бахту саодати билан боғлиқ мақсадлар ўз аксини топганлигини айтиб ўтдилар.

Халқимиз азалдан буй-баста келишган, ботир ва полвон ўғлонлари билан гурунланган. Соҳибқирон Амир Темуր бобомиз: “Аскарлари бақувват эл қудратли бўлур, қудратли элнинг аскарлари бақувват бўлур”, деган. Президентимиз “Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлади, қудратли юртнинг фарзандлари соғлом бўлади” дея бу фикрни мантиқан давом эттирди.

Ушбу хайрли вазифаларни бажариш учун кўплаб вазифаларни бажаришимиз, узоқни кўзлаб иш тутишимиз лозим. Энг аввало, ҳар бир одам ўз соғлиғи ҳақида қайғуриши, ҳар бир оила ўзидан соғлом насл, соғлом зурриёд қолдириши ўйлаши зарур. Зеро, фарзанд соғлом, оқил, иймон-эътиқодли бўлса одамларга наф келтиради, эл-юрт назаридан қолмайди.

Президентимиз ўз нутқда ота-боболаримиздан қолган бир одатга эътиборни қаратиб: “Одамлар истиқомат қиладиган ҳар қайси жойда — у шаҳар бўладими, туман маркази, қишлоқ ёки овул бўладими — чақалоқ дунёга келиши билан унинг ота-онаси ўз яқинлари, ёру биродарлари билан биргалашиб, яхши ният, орзу-умид билан дарахт экса”, дея тақлиф киритди. Ишончим комилки, юртбошимизнинг бу қимматли тақлифини мустақил Ўзбекистоннинг кўп миллатли халқи қизгин кўллаб-қувватлайди.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда кўп нарсалар ўзгарди. Ва бу ўзгаришлар биринчи галда келажак авлод тарбияси билан боғлиқ масалаларда кўзга ташланди. Ҳозирда юртимиз бўйлаб болажонларимиз учун Янги йил томошалари ташкил этилаётгани, Мехрибонлик уйларида тарбияланаётганларга катта ғамхўрликлар кўрсатилаётгани, шунингдек фарзандларимизнинг бахтли болалигини таъминлашга қаратилган бошқа кўплаб тадбирлар ўтказилаётгани бунинг яна бир тасдиғидир.

Яқин келажакда махсус ҳуқумат дастури ишлаб чиқилиши кўзланаётгани ҳам бу борада катта аҳамият касб этади. Бу дастурда ёшларимизни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларнинг билим ва касб-ҳунар эгаллаши учун тегишли шароит яратиб бериш, зарарли, ёт таъсирлардан муҳофаза қилиш, бузғунчи гоғлардан асраш, онгу шуърини маърифат нури билан мунаввар этиш каби кўплаб масалаларга эътибор қаратилади.

Келажак авлодга шу даражада ғамхўрликлар кўрсатилаётган мамлакатнинг келажаги буюк бўлишига шак-шубҳа йўқ.

Янги йилнингиз муборак бўлсин, азиз муштарийлар!

2000 йил — Соғлом авлод йили



Ислам бобо, биз сиз билан!

Ватан
ўз
фидойиларини
қадрлайди!



ТИЛАК

(навбатчи милиционернинг Янги йил кечасидаги ўйлари)

Тун. Беором соат миллари

Ўн иккига борар яқинлаб.

Қутлуғ бўлсин Янги йилнингиз,

Омон бўлинг, узоқ-яқинлар!

Қор ёғмаса ранжима, ўлим,

Пок-покиза ниятлар ёғсин.

Бошимизга кўкдан бетиним

Баракаю раҳматлар ёғсин.

Янги йилга қолди лаҳзалар,

“02” жим! Шукр, хайрият.

Элим, сендан чекинсин хатар,

Бевақт завол кўрмагин ҳеч вақт!

Кенг хонада кезаман танҳо

Ором билмас юрагим билан.

Қатларига бўлган жо-бажо

Оппоқ-ойдин тилагим билан.

Халқим, нурга тўласин маконинг,

Халқим, уйинг буғдойга тўласин!

Юртга келган қут - бараканинг

Бир чимдими менга ҳам бўласин.

Бобомурод ТОШЕВ.



МАРДЛИК — МАНГУЛИК

ва жасорат ҳеч қачон юртимиз раҳбариятининг назаридан четда қолган эмас. Шу боис, Ўзбекистонимиз мустақиллигини сақлашда, халқимизнинг хотиржам турмуш тарзини таъминлашда юқори натижаларга эришган эл тинчлиги ва халқ фаровонлигига раҳна солувчи ёвуз кучлар — қабиҳ жи-

ноятчи кимсалар билан курашда жасорат намуналарини кўрсатган ва шундай олишувда мардларча ҳалок бўлган ички ишлар ходимлари Ватанимизнинг орден ҳамда медаллари билан тақдирланган эдилар.

Мукофотларни республика Ички ишлар вазири, ички хизмат гене-

рал-полковниги Зокиржон Алматов топширар экан, жиноятчиликка қарши кураш ва унинг олдини олишда жон фидо қилиб бўлса-да мардлик ва жасорат намуналарини кўрсатган ходимларни халқимиз сира унутмаслигини таъкидлади.

Шухрат РЎЗИЕВ.

Янги йил арафасида республика Ички ишлар вазирлигида жиноятчиликка қарши кураш, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашдаги катта хизматлари учун Ватанимизнинг юксак мукофотларига сазовор бўлган бир қатор ички ишлар идоралари ходимларига мазкур мукофотларни топшириш маросими бўлиб ўтди.

Юртимиз равнақи йўлида қилинган ҳар бир хайрли иш, халқ тинчлиги ва бахт-саодати учун бахшида этилган меҳнат



АЁЛ ВА ҲУҚУҚ

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академиясида "Аёл ва ҳуқуқ" мавзuida илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

Ушбу тадбир ташаббускори, фуқаролик ҳуқуқи фанлари кафедраси жамоаси ўз олдига тингловчиларга маърузалар — дастлабки илмий тадқиқотларни тайёрлашда амалий ёрдам кўрсатиш, улар юқори минбардан туриб ўз фикрларини эркин баён этишлари учун имконият яратишни мақсад қилиб қўйганди.

Анжуманни Академия бошлигининг илмий ишлар бўйича муовини, юридик фанлари доктори, профессор, милиция полковниги Ю.Пўлатов очди ва ҳуқуқий демократик давлат қурилишида муҳокама этилаётган масала ниҳоятда долзарб

эканлигини таъкидлади.

Шуни айтиб ўтиш лозимки, бўлажак ҳуқуқшунослар, кафедрадаги илмий тўғарак аъзолари томонидан тайёрланган маърузаларда ўрганилаётган мавзуди нафақат илмий тадқиқ этиш, балки айрим ҳолатларни асослаб беришга ҳаракат қилингани сезилиб турди.

Маърузаларда кафедрада ўқитилаётган барча фанлар: фуқаролар ва оила ҳуқуқи, фуқаролик жараёни, меҳнат ва экология ҳуқуқи қамраб олинган эди. Масалан, иккинчи босқич тингловчиси Н.Тўраев ва учинчи босқичдан А.Раҳматовнинг аёлларнинг ҳуқуқ ва бурчлари

тўғрисидаги маърузалари оила ҳуқуқи ва фуқаролик жараёнига асосланган ҳолда бир-бирини мантиқан тўлдирди.

Иккинчи босқич тингловчиси А. Неков мулкий муносабатларда аёлларнинг тутган ўрни хусусида ўз мулоҳазалари билан ўртоқлашди.

Анжуман иштирокчиларида сўнги босқич тингловчиси В. Атегов экологик ҳуқуқ курсининг бўлимларидан бирини таҳлил этди ҳамда экологик ҳуқуқбузарликлар, атроф-муҳит ифлослишининг аёллар саломатлигига таъсири тўғрисида гапирди. Учинчи босқич тингловчиси Л.Жалов томонидан меҳнат ҳуқуқи курси бўйича тайёрланган маърузада аёллар меҳнатининг муҳофаза қили-

нишида махсус меъёрларнинг аҳамияти атрофлича талқин қилинди.

Анжуман давомидаги қизиқарли баҳслар қонунчилик ва ҳуқуқий масалаларга оид бир қанча саволлар тугилишига олиб келди. Тингловчилар етарли ҳуқуқий билликларга эга эканликларини намойиш этиш билан бирга, аёлларнинг ҳуқуқлари билан боғлиқ муаммолар ҳал этилишига қаратилган таклифларни ҳам ўртага ташлашди.

Фуқаролик ҳуқуқи фанлари кафедраси бошлиғи, юридик фанлари номзоди, милиция майори И.Тулътеев анжуманга яқун ясар экан, тингловчилар ушбу тадбирга пухта тайёргарлик кўрганини алоҳида таъкидлаб, улар келгусида билимларини янада бойитишларида омадлар тилади.

И.ЗОКИРОВА,
милиция майори.

Навбатчилик қисми

ҚОТИЛЛИККА ... АРОҚ УНДАДИ

Нукус шаҳар ИИБ навбатчилик қисмига Гречко кўчасидаги хонадонлардан бирида қотиллик содир этилгани ҳақида хабар тушди.

Тезкор гуруҳ воқеа жойига етиб берганда кўкраги ва қўлига тиг санчилган хонадон соҳиби М. Л. бу ёруғ оламдан кўз юмган эди. Унинг 17 ёшга тўлган ўгли эса бошқа хонада қўл-оёқлари боғланган, қорнига пичоқда жароҳат етказилган ҳолда ётарди. У дарҳол шифохонага жўнатилди.

Олиб борилган тезкор тадбирлар натижасида ушбу жиноятни қўнғирот кўчасида яшовчи Р. Р. мастлик оқиба-тида содир этгани аниқланди ва у ушланди.

"ОЛМОС"НИ ЎМАРГАНЛАР УШЛАНДИ

Қарши шаҳар ИИБ навбатчилик қисмида талончилик ҳолати қайд этилиши билан тезкор гуруҳ тузилди.

Милиция ходимлари Насаф кўчасидаги деҳқон бозори ҳудудида жойлашган "Олмос" хусусий заргарлик дўконини синчиклаб кўздан кечиришди. Талончилар дўконга ертўла орқали кириб, темир қутини калит танлаш йўли билан очган эдилар. Улар 1 млн. 10 минг 155 сўмлик сарик металлдан ясалган буюмларни ўғирлаб кетишганди.

Ушбу жиноят бўйича Кўчак қишлоғида яшовчи ва ишламайдиган Л. Қ., Ж. Р. ва С. Ш. лар ушландилар.

АНТИҚА САВДОГАРЛАР

Марғилон шаҳрида ўтказилган тезкор тадбир чоғида Яккатут қишлоғида яшовчи, ҳеч қаерда ишламайдиган А. Ф. ва А. Т. лар жиноят содир этишда айбланиб, қўлга олинди.

Гап шундаки, улар мустақиллик кўчасидаги "Тоҳир — Зуҳро" дўкони олдида К. О. деган шахсга 2 дона "Ф — 1" гранатасини запали билан 300 АҚШ долларига сотмоқчи бўлишган эди. Антиқа савдогарларнинг ёнидан "ПМ" тўппончасининг 9 дона ўқи ҳам чиқди.

ЮКХОНАДАГИ ҚОРАДОРИ

Пойтахтнинг Бектемир туманидаги "Бахт" ДАН масканида наманганлик А. Қ. бошқарувидаги "Зил — 133" автомашинаси тўхтатилди.

Милиция ходимлари йўловчи, Косонсой тумани, Хуррият кўчасида яшовчи А. Х. шубҳа остига олиб, ёнини текшириб кўришганда 192 гр. героин чиқди. Автомашинани юкхонасидан эса 7,72 гр. марихуана топилди.

МАШИНА ЭГАСИГА ҚАЙТАРИЛДИ

Навоий вилояти Учқудуқ шаҳар ИИБ навбатчилик қисмига фуқаро С. Ж. дан машина ўғирлангани тўғрисида ариза тушди.

Тезкор гуруҳ суриштирув ишларини бошлаб юборди. Номаълум шахс "ВАЗ — 2102" автомашинасини шундоққина хонадон олдидан ҳайдаб кетган эди. Кўрилган чоралар натижасида ушбу жиноятни шаҳарнинг 7-даҳасида яшовчи, ишламайдиган А. Г. содир этганлиги аниқланиб, ушланди. Автомашинани техник соз ҳолда эгасига қайтарилди.

Ўзбекистон Республикаси
ИИБ тезкор маълумотномасидан.

МУНОСИБ ВОРИСЛАР

Пойтахтимидаги "Киночилар уйи"да Тошкент шаҳар ИИБ-Бда ёш мутахассис ходимлар уюшмасининг таъсис йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишни Бош бошқарма бошлиғи, ички хизмат генерал-майори Р. Ҳайдаров кириш сўзи билан очиб, тузилажак уюшманинг мақсад ва вазифалари ҳақида тўхтади.

Йиғилишда қатнашган "Камолот" жамғармаси вакили, ички ишлар идоралари фахрийлари, ёш ходимлар номидан сўзга чиққанлар ҳам бу борада ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Тошкент шаҳар ИИББ Мурабийлар кенгаши раиси, милиция полковниги Ш. Алашев "Мурабийларнинг ёш ходимлар уюшмасига мурожаатномаси"ни ўқиб эшиттирди.

Йиғилиш сўнгида ёш ходимлар уюшмаси кенгаши тузилди. Кенгаш раиси этиб милиция лейтенанти М. Раззоқов сайланди. Янги тузилган уюшма олдида ёш ходимларни ҳалол, ўз соҳасининг устаси қилиб тарбиялаш, баъзан учраб турадиган таъмагир, порахўр, ўз хизмат мавқеини суистеъмол қилувчиларга нисбатан мурасасиз бўлиш вазифалари турибди.

Ўз мухбиримиз.

БАРЧАСИ БОЛАЖОНЛАР УЧУН



Байрамолди кунлари ҳамма югур-югурга тушади, кўча-кўй одам билан гавжум. Турлитуман ўйинчоқлар, ранго-ранг чироқлар билан безатилган арчалар кишининг кўзини қувнатади. Барча ўз яқинларига, айниқса болажонларга Янги йил совгалари ҳадя қилишга ошиқади.

Республика ИИБ мактабга тарбия муассасаларида ҳам бирин-кетин арча байрамлари бўлиб ўтпти. Э. Пўлатова мудирлик қилаётган "Наврўз" болалар боғчаси жамоаси ҳам байрам болакайлар ҳаётида ўчмас из қолдириши учун барча ишларни қилишди. Кенг, шинам зал байрам рўҳида безатилган,



кумуш ленталар таққан арчаой, бири-бирдан чиройли ўйинчоқлар ва, албатта, совга копини орқалаган Қорбобо. Замонавий мусиқа асбобларидан таралаётган садалар шундоқ ҳам шўх ёш кўнгилларни қитиклайди, ўйин-кулгуга, қўшиқ айтишга чорлайди.

Болалар нафақат ўзбек, рус тилларида, балки инглизча ҳам бийрон-бийрон шеърлар ўқишпти, шўх-шўх қўшиқлари рақсларга уланиб кетяп-

ти. Буларнинг барчасида педагогларнинг меҳнати, заҳмати сингани сезилиб турибди. Бу тантаналар болажонлар учун нафақат ўз қобилиятини, истеъдодини намойиш этиш имкони, балки бўлажак ўқув машғулоти олдидан ўзига хос синов, тайёргарлик ҳамдир. Барча-барчаси учун мукофот — йиғилган ота-оналарнинг олқиши, қарсагидир.

Л. АБДУРАҲМОНОВА,
Сурат муаллифи А. САПАРМАТОВ

“СИЗ ИЗЗАТДА, БИЗ ХИЗМАТДА”

Ички ишлар идоралари, айниқса, жамоат тартибини сақлаш хизмати ходимларининг иш ҳажми дам олиш, хусусан байрам кунлари ортади. Янги йил байрами кунлари ҳам бундан мустасно эмас. Гарчи 2000 йил 31 декабрдан 1 январга ўтар кечаси кирса ҳам, мактабларда, меҳрибонлик уйларида, болалар боғчаларида тантаналар анча олдин бошланиб, бу ёғи талаба ва ўқувчиларнинг қишки таътилларига улашиб кетади. Ана шу шодиёна кунларда оммавий сайиллар, томошалар бўладиган жойларда жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш бўйича ички ишлар идоралари томонидан нима ишлар қилиниши билан қизиқиб республика ИИВ ЖТСБ бошлиғи, милиция полковниги Қ. ТОШМУХАМЕДОВга мурожаат қилдик. У киши бизга қуйидагиларни гапириб бердилар:

— Маълумки, байрам кунлари жамоат тартиби ва фуқаролар хавфсизлигининг таъминлиниши кўп жиҳатдан пост-патруль хизмати ходимларининг ўз вазифасига масъулият билан ёндошишига боғлиқ бўлади. Шахсий таркиб билан ўтказадиган машғулотларда бунга алоҳида урғу берамиз. Тантаналар ўтказиладиган барча жойлар олдиндан ҳисобга олиниб, хизмат олиб бориши йўналишларига зарур ўзгаришлар киритилади, уларнинг сони кўпайтирилади.

Пост-патруль хизмати ходимлари осойишталикни таъминлашда участка вақиллари, ДАН ИПХ инспекторлари, маҳалла фаоллари ва посбонлари билан яқин ҳамкорлик қилдилар. Ходимларимиз ўзларининг хизмат бурчларини бажаришда ҳар қандай қонунбузарликка, қондабузарликка мурасасиз бўладилар. Асабга тегувчи пиротехника воситалари билан савдо қилувчилар ҳам, йўл қондасини бузувчилар ҳам, майда безорилик қилувчилар ҳам улар эътиборидан четда қолмайди.

Қишки таътиллари бошлангани муносабати билан республикамизнинг йирик шаҳарларига болаларини ўйнатгани олиб келувчилар, байрам баҳона айлинишига келган меҳмонлар кўпаяди. Уларнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадига вокзалларда, автовокзалларда, аэропортларда патруллар сонини кўпайтирамиз.

Ходимларимиз ёнғиндан сақлаш хизмати нозирлари бўлмаган томоша жойларида ёнғин хавфсизлиги қондаларига ривож этилишини талаб этсалар, мунтаза равишда раҳбарлик қилсалар, ҳаммамизга яхши.

Ўтган Янги йил байрамлари таҳлили шуни кўрсатадики, оммавий томошалар, ўйин-кулгулар уюштирилладиган, савдо-сотик қилишдаги жойларда бирор қимматбаҳо нарчасини олдириб қўйган фуқаро дарҳол ўша атрофда хизмат қилаётган милиция ходимига хабар берса, бу билан бошқаларнинг ҳам хавфсизлигини муҳофаза қилишга ёрдам берган бўлади.

Имкониятдан фойдаланиб барча газетхонларни янги 2000 йил билан табриклирайман. Байрам тинч-хотиржам, кўнгулхушлик билан ўтишини тилайман. Биз ҳам бунинг учун қўлимиздан келган барча ишни қиламиз.

АССАЛОМ, 2000 ЙИЛ!

Шахсий фикр

Ташқарида қор ёғаяпти. Оппоқ қор, гўё оппоқ нуқраларга инган тилаклар ёғилмоқда.

Одатда Янги йил арафасида қор ёғса дилимиз равшан тартади, ният қилиб юрган орзуларимиз ушалаётгандек қалбимиз қувончга тўлади. Бу дамларда айниқса кичкинтойлар, шириншакар болажонларимизнинг яйрашини айтмайсизми?

Бу авлодга ҳар қанча ҳавас қилсак арзийди. Бунинг боиси, Соғлом авлод йили деб эълон қилинган мустақил юртда яшаб, бир асрдан иккинчига “хатлаб” ўтиш ҳаммага ҳам насиб қилавермайди.

Оналаримиз, аёлларимиз-чи? Ёки машҳур қизиқчи Обиджон Асомовнинг “аёлларга қийин бўлади энди, сизларнинг йилингиз тугаяпти”, деб айтган ҳазиломуз гаплари тўғрими? Йўқ, албатта. Сизларнинг йилингиз асло тугамайди, чунки сиз борлигингиз тугайди бу ҳаёт умрбоқийди.

Мақтабда ўқиётганимизда “майли ёмғир, қор ёғсин, ўз постимдан кетмайман”, дея шеър ёдлаганимиз ёдимда. Ушанда ушбу сатрлар орқали кўз

олдимда ёмғирли тунлар, изгирин қиш кунларида кўлда қурол билан Ватанимиз сарҳадларини кўриқлаётган аскарлар, юрт тинчлиги ва осойишталиги учун тунларни бедор ўтказётган посбонларимиз жонлариди. Ҳозир ҳам шундай.

Яқунланаётган йил улар учун ўзига хос синов йили бўлди, десак муболаға эмас. 16 февраль куни Тошкентда рўй берган террорчилик ҳаракатлари, мамлакатимизнинг Қирғизистон билан чегарадош ҳудудлари ҳамда Янгиободда содир бўлган воқеалар айтиш мумкинки, милиция ходимларини янада жипслаштирди, доимо сергак бўлишга ўргатди. Мустақиллигимиз, жаҳон ҳамжамиятига танилиб бораётганимизни кўралаётган баъзи ёвуз ниятли кимсалар, аниқроғи ёвуз кучлар билан тўқнашувларда қурбонлар беришимизга ҳам тўғри келди. Аммо бу посбонларимиз ва уларнинг оила аъзолари иродасини асло бука олмади.

“Юрагимда бир армон бор, — дея тахририятимизга хат йўллабди Тошкент шаҳри, Ҳамза туманида яшовчи Фотимахон

Абдураззоқова. — Йигирма йилдирки, ўз халқига сидқидилдан хизмат қилиб, вафот этган отамни кўмсайман. Отажоним бизларни оқ ювиб, оқ тараб вояга етказдилар. Падари бузрукворимизга эса лоақал биргина фарзандининг тўйини кўриш насиб этмади. Отажон, сиз мени сўйиб, эркалаб: “ўзимнинг қора қизим” дердингиз. Бугунги кунда шу қизингизнинг беш фарзанди, сизнинг эса набираларингиз бор. Наилож, ўлим ҳақ, ёнимизда йўқсиз. Бу дунёда бирдан-бир тилагим: юртимиз тинч, элимиз обод бўлсин. Илоийм ҳеч бир инсон ота-онасидан бевақт айрилмасин.”

Фотима опанинг армони сиз билан бизнинг армонимиз. Юрт тинчлиги ва осойишталиги учун фидойилик кўрсатган, керак бўлса кўксини қалқон қилган ўғлонларга қарата отилган ҳар бир ўқ ёки санчилган тиг бизнинг ҳам юрагимиздан ўтади. Қўпинча Тошкент тумани Чувалачи қишлоғида хизмат пайтида ҳалок бўлган милиция сержанти Ҳасан Раҳматовга ўрнатилган ёдгорлик олдида ўтишимга тўғри келади.

Баъзан бу табаррук жойни зиёрат қилаётган одамларнинг руҳий ҳолатини кўриб ана шундай ҳулосага келаман. Халқи, Ватани учун жонини қурбон қилган инсонлар ҳеч қачон унутилмайди.

Бўсағада — 2000 йил, яна бир асрни қарши олаёلمиз. Ана шундай ҳаяжонли дамларда ҳар биримизнинг юрагимизни ўй-орзулар қўлаб олади. Менимча, шу заминда яшаётган фуқароларнинг энг эзгу истаги тинчлик, осойишталик, фаровонлик ва тўқин-сочинликка эришиш бўлса керак. Мамлакатимиз раҳбарлари айнан шу мақсад йўлида соғий-ҳаракатлар қилаётганини кузатиб-билиб турибмиз. Кириб келаётган 2000 йил, умуман келажакимизни юртбошимизнинг: “Оллоҳнинг назари тушган мана шу юртда албатта ҳар томонлама соғлом, ўзининг куч-қудрати, қадди-қомати билан, баркамоллиги билан ўзгаларнинг ҳавасини уйғотадиган эл яшаши керак” деган сўзларисиз тасаввур этиш қийин.

Ассалом, 2000 йил! Ҳар биримизга бахт-саодат, хотиржамлик, улкан ютуқлар тилайман.

Саъдулла ШОДИЕВ.

Миннатдорчилик

ОМОН БЎЛИНГ, ПОСБОНЛАР!

1999 йил 8 декабрь куни номаълум шахслар уйим олдидаги яйловдан 6 бош қорамолимни ўғирлаб кетишди, мен изма-из юриб молларим Жиззах тумани худудига ҳайдаб кетилганлигини билдим. Шундан сўнг Жиззах тумани Хайрабод маҳалласидаги милиция участкасига бориб, милиция капитани Қувондиқ Қурбоновга мурожаат қилдим. У менинг гапларимни тинглаб, молларимнинг белгиларини ёзиб олди. Сўнгра мен уйга қайтдим. Кечқурун укам моллар топилди, ўғрилар ушланибди, деб хабар берди. Тўғриси, ҳам қувондим, ҳам ўқиндим. Чунки ўғрилар ўзимнинг қишлоқдошим С. Норкул ва зарбдорлик Т. Маъмирлар бўлиб чиқди. Бутун қишлоқ аҳли бу ўғрилар қўлга тушганлигидан хурсанд бўлишди. Чунки, улар ушланмаганида бошқа ўғриликлар ҳам қилган бўлишарди-да. Шу боисдан мен бутун Тоғайтўпи қишлоқ аҳли номидан милиция ходимлари Қ. Қурбонов, Ш. Ҳақимов, А. Маллаев, А. Шарипов ва О. Номозовларга самимий миннатдорчилик билдираман. Шундай посбонларимиз бор бўлишсин.

Холбой ЭШМУРОДОВ,
Зомин тумани Тоғайтўпи қишлоғи.

БОЛАЛИК БЕҒУБОР БЎЛСИН

2000 йилнинг Соғлом авлод йили деб эълон этилиши билан жойларда бу муҳим тадбирни ўтказиш учун тайёргарлик ишлари бошлаб юборилди. Жумладан, Тошкент шаҳар ички ишлар Бош бошқармаси раҳбарияти пойтахтдаги милиция таянч пунктлари профилактика инспекторларининг семинар-йиғилишини ташкил этди. Алишер Навоий номли Санъат саройида ўтказилган тадбир профилактика инспекторларининг 2000 йилда вояга етмаганлар билан ишлаш борасидаги вазифаларига бағишланди. Тошкент шаҳар ИИББ профилактика ва жамоат тартибини сақлаш бошқармаси бошлиғи, милиция майори З. Бобокалонов пойтахтда вояга етмаганлар ўртасида жиноятчиликнинг умумий аҳволи, янги 2000 йил — Соғлом авлод йилида ички ишлар идоралари олдида турган вазифалар хусусида маъруза қилди. Чилонзор тумани ИИБ профилактика катта инспектори, милиция капитани Қ. Ҳайда-

ров ўзи хизмат қилаётган “Бешёғоч” милиция таянч пунктида паспорт тизимини ташкил этиш ва профилактик ишларни олиб бориш тажрибаси билан йиғилганларни таништирди. Болаларнинг таълим-тарбияси, уларни жиноят кўчасига кириб қолишдан асраш каби масалалар ҳақида Тошкент шаҳар халқ таълими Бош бошқармаси бошлиғи Ҳ. Йўлдошев алоҳида гапирди. “Соғлом авлод учун” жамғармасининг Тошкент шаҳар бўлими директори Г. Тўхтаева бўлимнинг 2000 йилдаги режалари хусусида сўзга чиқди.

Шунингдек, семинар-йиғилишда жиноятчиликнинг олдини олиш ва жамоат тартибини сақлашда ижобий натижаларга эришган бир турар профилактика инспекторлари ва қимматбаҳо совғалар билан мукофотландилар. Мукофотларни Тошкент шаҳар ИИББ бошлиғи муовини, ички хизмат полковниги Б. Носиров топширди.

Ўз мухбиримиз.

ИСТИҚДОЛ ОДИМЛАРИ

- 1991 йил декабрь ойида Ўзбекистонда Моцарт фестивали ўтказилди.
- Асакада қурилган полиэтилен заводи 1992 йил декабрь ойида дастлабки маҳсулотини ишлаб чиқара бошлади.
- Наманган вилоятидаги “Тошкент — Коттон” ўзбек-италия акциядорлик компанияси томонидан очилган “Оққум” фабрикаси камзул, жинси, майкалардан иборат спорт кийимларини илк бор 1992 йил декабрь ойида савдога чиқарди.
- Республикадаги “Осие” деб номланган биринчи хусусий галерея 1992 йил декабрь ойида Тошкентда очилди. Галерея тақдимида Тошкент, Бухоро ва бошқа шаҳарларда ижод қилаётган ёш мусавирларнинг асарлари намойиш этилди.
- Бильярд бўйича “Москва пирамидаси” қондаси асосидаги Ўзбекистон биринчилиги 1992 йил декабрь ойида Тошкентда ўтказилди.

- Педиатрия амалиётида янги дори-дармонларни қўллаш масалаларига бағишланган биринчи халқаро симпозиум 1992 йил декабрь ойида Тошкентда бўлиб ўтди.
- Ўрта Осиё темир йўлининг электрлаштирилган, 90 километр масофадаги янги Ховос — Жиззах участкасида биринчи электропоезд 1993 йил 29 декабрь куни қатнай бошлади.
- Ўзбекистондаги асбоб-ускуналар, қурилиш материаллари ва технологияларнинг биринчи халқаро кўргазмаси 1993 йил, декабрь ойида Тошкентда иш бошлади. Унда Россия, Германия, Италия, Польша, АҚШ, Франция, Швейцариядан қирққа яқин фирмалар ва компанияларнинг маҳсулотлари намойиш этилди.
- 1993 йил декабрь ойида Андижон шаҳрида Захириддин Мухаммад Бобурнинг ҳайкали очилди.
- Ўзбекистондаги чим устида хоккей ўйнашга мўлжалланган, сунъий газон билан қопланган, халқаро мезёрларга жавоб берувчи “Олимпик” ўйингоҳи 1993 йил декабрь ойида Бухоро шаҳрида очилди.
- Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва маҳаллий Кенгашларга сайловлар кўппартиявийлик асосида илк бор 1994 йил 25 декабрда бўлиб ўтди.

МАРДЛИК ВА ЖАСУРЛИК МУСОБАҚАЛАРИ

Республикамизда фаолият кўрсатаётган мудофага кўмаклашувчи "Ватанпарвар" Кенгашларининг иши айниқса армия ёшидаги йигитлар орасида довлугли. Чунки асосан ҳарбий хизматга чақирилувчи ёшлар билан иш олиб борувчи Кенгашларда ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбияловчи ишлар амалга оширилади. Бу борада Тошкент шаҳар Юнусобод тумани мудофага кўмаклашувчи "Ватанпарвар" Кенгашининг (кенгаш раиси А. Ҳақимов) ёшлар билан олиб бораётган ишларига назар солсак тўрт қаватли, каттагина ер майдонига эга бу бино нима учун доимо гавжум бўлиши сабаби маълум бўлади.

— "Ватанпарвар" Кенгашидан ёшлар аризмаслигига сабаб, аввало, бу ерда спортнинг амалий ва техник турлари билан шуғулланиш учун катта ва қулай шароитлар яратилган, — дейди ўқув ишлари бўйича раис ўринбосари Н. Зокиров. — Халқ хўжалиги учун турли тоифадаги ҳайдовчи-мутахассислар тайёрлаш билан бирга автоспорт, мотоспорт, ракета-моделл спортини, мерганлик, хизмат итларини ўргатиш — кинолог тўғрақлари мунтазам ишлаб, тумандаги барча корхона,

ташкilot ва мактаблардаги ёшларни ҳарбий хизматга тайёрлашда муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Чунки бугунги ўқувчилар — эртанги Ватан ҳимоячиларидир. Ёшлар бугун спорт турлари билан астойдил шуғулланиб келсалар, эртага ҳарбий хизмат тартиб-қоидаларини жуда тез ўрганадилар, қийналмайдилар. Туман корхоналари ва мактабларида 80 та бошланғич "Ватанпарвар" ташкilotлари йигитларимизнинг ҳақиқий мард йигит бўлиб етишув учун хизмат қилмоқда. Ёшларни ҳарбий хизматга тайёрлаш ишлари билан бирга маҳалла посбонларига амалий ёрдам бераётганимиз жуда яхши самара бермоқда. "Ватанпарвар"даги турли тўғрақларда фаол қатнашаётган кўплаб ўқувчи ёшлар маҳалла посбонлари ва участка вакилларининг яқин дўсти, кўмакчисига айланган.

Ўн тўртинчи декабрь кунини пойтахтдаги Ҳамза номли театрда шаҳар ва жойлардаги "Ватанпарвар" Кенгашлари, ҳокимиятлар, Маънавият ва маърифат шаҳар Кенгашлари, "Камолот", "Нуроний" жамғармалари, диний ташкilotлар вакиллари иштирокида бўлиб ўтган анжуманда "Мардлар

қўриқлайди Ватанни" шiori остида Ватан ҳимоячилари кунига бағишланган бир ойлик спорт мусобақа-ўйинларида старт берилди. Шу муносабат билан Юнусобод туман "Ватанпарвар" Кенгашида ҳам ҳокимият билан келишган ҳолда бир қанча спорт тadbирлари ўтказиш режалаштирилган. Шулардан дастлабкиси уч хил тоифа бўйича мотокросс бўлиб ўтди.

— Бу мотокросс Юнусобод "Ватанпарвар" Кенгашини соврини ва Тошкент шаҳар биринчилиги учун бўлиб ўтди, — дейди Маънавият, ҳарбий-ватанпарварлик тарғиботи ва спорт бўйича раис ўринбосари, истеъфодаги полковник Наримон Галимов. — Унда Навоий, Зарафшон, Жиззахнинг мотокросс ишқибозлари иштирок этдилар. Мусобақа ўтадиган кунини табиат ҳам спортчиларни имтиҳон қилди: — яхшигина қор ёғиб, ерлар яхмалакка айланди. Шундай бўлса-да тўрт гектарга яқин ердаги махсус жиҳозланган мотодромда спортнинг бу мураккаб тури ишқибозлари куч синашдилар. "Супермотокросс"да Юнусобод туман ватанпарварчилари биринчи, зарафшонликлар — иккинчи, навоийликлар учинчи ўринни эгалладилар. Мотоцикл двигателининг иш ҳажми 50 см³ бўлган шахсий биринчилик ўйинларида юнусободлик мактаб ўқув-

чилари Д. Богданов ва Э. Плешковлар биринчи, иккинчи, зарафшонлик Павел Саргаев учинчи ўринга сазовор бўлдилар.

Шунингдек, 350 см³ ва 500 см³ бўйича ўтказилган мусобақаларда ака-ука В. ва А. Кондрашевлар (Юнусобод) биринчи ўринларни эгаллашиб, ўзларининг моҳир мотоспорт устаси эканликларини намойиш этган бўлсалар А. Каримбеков (Юнусобод), Р. Специев (Навоий) — II ўрин, М. Галиев (Жиззах), Е. Заднов (Навоий)лар учинчи ўринни эгаллашиб, кўп сонли мухлисларни хурсанд қилдилар. Шу кунги спорт мусобақаси спорт байрамига айланиб кетди.

— Эндиги навбат — мактаблараро мерганлик мусобақаларига, — режаларини баён қилдилар Н. Зокиров. — Шу билан бирга мусобақа қатнашчиларини Куролли кучлар музейига, экскурсияга олиб бориш, фахрийларимиз билан учрашувлар ўтказиш ва бошқа ниятларимиз ҳам бор. Мақсадимиз: айниқса ўқувчи ўсмирлар қалбида Ватанга муҳаббат, ҳарбий хизматга, Ватан мудофаасига шайлик, мардлик, довлуглик туйғуларини шакллантириш ва юксалтиришдир. Чунки мардлар Ватанни қўриқлайди. Инсонни мардликка, Ватанни севишга у мурғаклигидан ўргатиб борилади. Бу борада қилаётган ишларимиз фақат ижобий натижа бермоқда.

Лазизбек
ЭРКИНЖОНОВ.

Қутлов

УСТОЗНИ ТАБРИКЛАЙМИЗ

Мен "Постда" газетасининг 17 декабрь сонидида истеъфодаги милиция комиссари Дмитрий Михайлович Баян ҳақида ёзилган мақолани ўқиб жуда хурсанд бўлдим. У кишини 80 ёшга тўлгани билан шу газета орқали табриклашга жазм қилдим.

Мен Сурхондарё вилоятининг Жарқўрғон туманида ички ишлар бўлимининг бошлиғи бўлиб ишлар эдим. Дмитрий Михайлович Сурхондарё вилояти ички ишлар бошқармаси бошлиғининг муовини сифатида Жарқўрғонга келиб жиноятчиликка қарши курашда яхши маслаҳатларни бериб, содир бўлган жиноятларни очишда ёрдам қилар эдилар. Мен шулардан бир воқеани айтиб ўтмоқчиман.

1965 йил баҳоридида шу кечаси тумандаги дўконлардан иккитасига жиноятчилар ўғирликка тушиш режаси маълумлиги, шунинг учун эҳтиёт бўлиб, жиноятчиларни қўлга олиш чорасини кўриш кераклиги ҳақида бизга топшириқ берилди.

Биз тегишли чораларни кўриб, битта дўконга ўғри тушгандаёқ икки жиноятчини ўғрилган моллар билан қўлга олдик. Ва улар жавобгарликка тортилди.

Дмитрий Михайловичнинг тажрибали ходим эканлиги ҳақида бундай мисоллар кўп. Бундан ташқари Дмитрий Михайловичнинг бирга ишлаган ўртоқларига муносабати, ҳурмати яна бир учрашувда кўрганман.

1966 йил ёз вақтларида, у киши бизнинг вилоятдан Тошкент шаҳрига ишга ўтказилган пайтларида мен Тошкентдаги милиция Олий мактабидида сиртдан ўқиётганим сабабли сессияга Тошкентга келдим. Тошкентда ер қимирлаган пайтлар эди, мен дарс тайёрлаётган вақтда бир киши келиб сизни ташқоридида биров чақиряпти, деди. Чиқиб қарасам, генерал Дмитрий Михайлович Баян. Кўриб жуда ҳаяжонланиб кетдим. Бу нарсани ёзишдан мақсад, Тошкентдаги зилзила сабабли оғир вазиятда мендан анча катта бўлишига қарамасдан келиб, ахвол сўрагани учун жуда хурсанд бўлдим. Қани энди бошқа ходимлар ҳам бирга ишлаган ўртоқларига шундай муносабатда бўлсалар.

Мен Сурхондарё вилояти Жарқўрғон туман ички ишлар жамоаси, уруш фахрийлари ва ўз номидан Д. М. Баянни 80 ёшга тўлиши билан чин кўнглимдан табриклайман ва у кишига узоқ умр, саломатлик тилайман.

Эшмўмин НУКАРОВ,
уруш ва меҳнат ногирони,
туман ИИБ
Фахрийлар кенгаши раиси.

ЁНГИНСИЗ ИШЛАШГА ЭРИШИЛДИ

Кўкюн шаҳридаги "Кўкюн" ишлаб чиқариш бирлашмасини 12-ХўўК ёнгиндан муҳофаза қилмоқда. Бўлима бошлиғи, ички хизмат майори А. Азизов бошчилигида қисқа вақт ичида қаровсиз ҳолда ташлаб қўйилган бино таъмирланди, ўт ўчириш машиналари созланди, керакли жиҳозлар билан таъмирланди. Бўлима ташкил этилганига уч ой бўлмаёқ ўт ўчириш амалий спортини бўйича терма жамоа тузилди.

Сай-ҳаракатлар натижасида ўтган тўрт йил мобайнида бирлашмада бирорта ҳам ёнгин келиб чиқишига йўл қўйилмади.

Шахсий таркибни маънан етук, жисмонан бақувват қилиб тарбиялашга алоҳида эътибор берилаяпти. Шу йил Фарғона вилояти ИИБда ўтказилган "Ўзбекистон — Ватаним маним" кўрик танловида бўлима бошлиғининг ШТБХ бўйича муовини, ички хизмат старшинаси Т. Азизов 2-ўринни эгаллади. Футбол бўйича марҳум милиция майори Раҳматилла Миртожиев хотирасига ўтказилган вилоят биринчилигида бўлима жамоаси 3-ўринни қўлга киритди.

Э. ҚОБИЛОВ,
М. КИМСАНБОВ.

Фориш тумани ички ишлар бўлими биноси 70-йилларда қурилган бўлиб, ҳозирги кунда талабга жавоб бермайдиган аҳволга келиб қолган. Ходимларнинг ишлаши, дам олиши, спорт билан шуғулланиши учун шароит ноқор аҳволда. Лекин шу аҳволда ўтириш ҳам ярамайди, чунки, давр олға қараб боряпти. Ҳар бир соҳада бўлганидек, ички ишлар хизматида ҳам талаб ошиб бормоқда. Кечаси куннинг ўлчови бугунга тўғри келмаяпти. Тараққиёт, ривожланиш сари одимланаётган бир пайтда, ишлаш, шароит ҳам замон талабиди бўлиши керак. Ҳолва деган билан оғиз чучимайди. Буни айниқса раҳбарлар тўғри тушуни олишлари лозим.

Туман ИИБ раҳбарияти, ўз имкониятларини чамалаб четдан келадиган ёрдамни ҳам ҳисобга олиб, бўлим биносининг ёнига икки қаватли қўшимча бино қуришни бошлади.

— Вилоятдаги айрим туманлар ички ишлар бўлимлари биносини кўриб, ҳавас қиласиз, ҳамма шароит яратилган, — деди биз билан суҳбатда туман ИИБ бошлиғининг шахсий таркиб билан ишлаш бўйича ўринбосари, милиция майори Қаршибой Мамбетов. — Ходимлардан иш талаб қилиш учун, аввало уларга шароит яратиб бериш лозим. Чўл шароитида наридан бери қурилган бино айни кунга келиб тўла таъмирлашга муҳтож бўлиб қолди. Хизмат турлари такомиллашиб, ходимлар сони ошди. Энди

замонавий типдаги бино зарур бўлиб қолди. Албатта, янги бино қуриш учун банкда жарақ-жарақ пул кутиб тургани йўқ. Лекин қаловини топсанг қор ёнади деганларидек, имконини ахтариб топямиз. Тумандаги ширкат хўжаликлари, корхоналар қурби етганча қурилиш материалларидан ёрдам қилишди. Қурилиш ишларини эса шах-

стадион ва мевали боғ яратилади.

— Ички ишлар идораларида кўп йиллар хизмат қилиб оламдан ўтган, хизмат даврида ҳалок бўлганларни хотирлаш бурчимиз, — деди К. Мамбетов. — Вилоят ИИБ раҳбарияти билан келишиб, вафот этган ва ҳалок бўлганлар хотираси учун лавҳа ўрнатишни режалаштирдик. Ходимла-

ҚУЛАЙ ШАРОИТ — ЯХШИ НАТИЖАЛАР ОМИЛИ

сий таркибимиз билан эплаяпмиз. Гишт териш, сувоқ, бўёқ, пайвандлаш ишларини биладиган ходимлар навбати билан хашар қилишди. Айни кунларда монтаж ишлари тўлиқ тугалланди, пардозлаш ишларини февраль ойларида тамомлаймиз. Хоналарни жиҳозлашга вилоят ИИБ раҳбарияти ёрдам беришди ва Наврўз байрами кунигача барча ишларни тугаллашни мўлжаллаяпмиз.

Бу айтишга осон албатта, амалда битириш мушкул. Бирок, туман ҳокимлиги тинчлик ва осойишталик посбонларининг бу ҳаракатларига бефарқ бўлаётгани йўқ. Бино атрофидаги ерлардан зарур майдонни ажратиб берди. Автомашиналар учун сарой, жисмоний тайёргарлик учун ёзги

римиз учун қутлуг жой ҳисобланган ёдгорликни ҳам қурилиш тугаллангунча бунёд этмоқчимиз.

Дарҳақиқат, шароит етарли бўлса иш ҳам олға босади. Туман ички ишлар бўлими ходимлари йилни яхши якунлаштилар. Умумий жиноятлар сони ўтган йилдагидан 15 тага, шунингдек оғир тан жароҳати, қотиллик, номусга тегиш каби жиноятлар камайди.

— Бизни кўпроқ ташвишга соладигани, — деди туман ИИБ бошлиғи биринчи муовини, милиция майори Фахриддин Элчибоев. — Туманда мол ўғрилигининг камаймаётгани. Шу ўринда бу жиноятнинг содир бўлишида фуқароларимизнинг ҳам айби бор деб ҳисоблайман. Аҳолининг

асосий қисми чорвачилик билан шуғулланадиган туманимизда моллар яйлов усулида боқилади. Айниқса, баҳор, ёз, куз ойларида қорамол, йилқи, қўйлар яйловга ҳайдаб юборилади. Ҳафталаб, ҳатто ойлаб ҳеч ким хабар олмайди. Бундан фойдаланган қўли эгри, нопок кимсалар молларни осонгина ҳайдаб олиб кетади. Биз аҳоли ўртасида кўп тушунтиришлар олиб боряпмиз, ўғирланиб, изсиз кетган молларни билсалар-да, айримлар ҳамон бепарволик қилишади.

Ички ишлар бўлими ходимларига ҳам осон тутиб бўлмайди. Бепоён чўлда йўқолган молни топиш осон эмас. Бу ўринда мол эгалари эҳтиёткор бўлиши зарур.

Фориш тумани милиция ходимлари асримизнинг охириги йилини хизматда катта ютуқлар билан якунлашга аҳд қилишган. Бунинг учун туман ИИБ раҳбарияти шахсий таркибининг жанговар ва жисмоний тайёргарлигини янада яхшилаш, ҳуқуқий билимларини ошириш, маънавиятини юксалтиришга алоҳида эътибор берапти. Шу боис ҳам уларга ишлаш, дам олиш шароитини яхшилашни биринчи галдаги вазифа деб қаралмоқда. Ҳадемай, Жиззах вилоятининг бепоён чўл ҳудудида жойлашган Янгиқошлоқ кўрғонидида форишлик осойишталик посбонлари замонавий типда қурилган, таъмирланган ва жиҳозланган бинода ишлайдилар.

Садриддин
ШАМСИДИНОВ.

БЕДАРАК ЙЎҚОЛГАН



Ўзбекистон Республикаси ИИБ Жиноят-қидирув Бош бошқармаси томонидан Нарғиза Ҳамидова қидирилмоқда. У 1983 йили туғилган. Тошкент вилояти Паркент тумани Сўқоқ қишлоғи Т. Икромов кўчаси 1-уйда яшаган. 1999 йил 26 октябрда Оққўрғон туманидаги қишлоқ хўжалик жамоаларидан бирида бўлиб, номаълум томонга кетган ва бедарак йўқолган.

Белгилари: бўйи 155-160 см, ўртача гавдали, юзи думалоқ, бурни ўртача, кўзлари қора ва чуқур ботган, қошлари қора ёйсимон, лаблари юлқа, сочлари қора 20-25 см, пешонасига тушган, юзидида сепкили бор.

Кийимлари: эғнида яшил рангли қизил гулли кўйлак, қизил рангли халат, қора юбка, қора гамаш, оёғида қизил носки ва оқ рангли "CHIPS" шилпаги, қулоғида сариқ кўзли сирғаси бўлган.

Н. Ҳамидовани кўрган ёки қаердалигини билганлардан яқин орадаги милиция бўлимига хабар беришларини сўраймиз.

DUSHANBA 3

Ўз ТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.40 «Ахборот»
8.40 «Куйла, ёшлигим»
9.10 «Ўзлик». Бадий-публицистик кўрсатув.
9.40 Ўзбек киноси ижодкорлари.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгликлар.
Болаларнинг қишки таътил кунларида
10.05 «Олтин тоғ»да янги йил.
10.45 Кундузги сеанс: «Финист — сарлочин». Бадий фильм.
12.05 Ўзбекистон телерадиокмпанияси камер оркестрининг концерти.
12.35 «Дунё шаҳарлари»
«Умид» намойиш этади:
12.45 «XXI аср талабалари»
13.15 «Изгирилли кунларнинг бири». Теленовелла.
14.10 «Оталар чойхонаси». Мусикий-дам олиш дастури.
15.00 «Футбол-сөн менинг кувончим». Бадий-спорт дастури.
15.45 «Меҳр қолур»
16.00 «Жавоҳирлар маликасига ҳужум». Бадий фильм.
17.30 «Шанаванда бола»
18.10 «Санабат гунчалари»
18.30 «Мувоозанат». Ахборот-таҳлилий кўрсатув.
18.50 «Бахтли воқеа»
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Иқтисод ва биз»
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот»
21.05 «Мухаббат соғинчи». Мусикий дастур.
21.30 «Бунёдкорлик». 11. Жаҳон ичра жаҳоним.
21.50 «Маърифатнома». Рамазон шариф фазилатлари.
22.10 «Австралиянинг ёввойи табиати». Телесериал премьераси.
23.05 «Маънавият» дастури.
23.45 «Ахборот»
00.15 «Нил дарёсидаги олишув». Бадий фильм. 1-серия.
1.20-1.25 Ватан тимсоллари.

Ўз ТВ II

9.00 «Янги авлод» студияси намойиш этади: («Арча, арча, арчажон»). Видеофильм. 1-қисм. Мульттомаша.
9.45 «Ёшлик баёзи»
9.50 «Мусликий лаҳзалар»
10.00 «Давр» Хайрулла Нуриддинов билан.

SESHANBA 4

Ўз ТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот»
8.30 Марказий газеталар шарҳи.
8.45 Мумтоз навалар.
9.10 «Яхшиликдан фойда борми?». Мультфильм.
9.20 «Нотаниш дил суҳбати»
9.40 «Олмага саяхат». Киноқўрсатув.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгликлар.
10.05 Янги алифбони ўрганамиз.
10.25 «Янги йил кувончлари»
10.45 «Мактублар — қабуллар»
11.15 «Севги васфи». Мусикий дастур.
11.50 «Дунё шаҳарлари»
12.05 «Маънавият» дастури.
12.45 «Австралиянинг ёввойи табиати». Телесериал. 5-қисм.
13.40 «Бунёдкорлик». 11. Жаҳон ичра жаҳоним.
14.10 «Ёшлик гулшани»
14.50 «Ўзбекистон — Ватаним менинг». Мусикий дастур.
15.20 «Балли раислар». ТелемуСОбақа.
16.00 «Ха, ха, ха...» Ҳазил, ҳажв, хангома.
16.25 «Телевизорни ўчиришни унутманг». Бадий фильм.
17.40 «Орамжон»
18.10 «Орзулар қанотида»
18.25 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Хур кунлар бахти»
18.40 «Сиз уларни танийсиз»
19.05 «Мулқдор»
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Зиё»
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот»
21.05 «Олам қўшиқча тўлисин». Мусикий дастур.
21.45 «Имом ал-Бухорий». Видеофильм. 1-серия.
22.30 «Умид» намойиш этади: «Табассум кўчаларида»
23.30 «Ахборот»
24.00 «Нил дарёсидаги олишув». Бадий фильм. 2-серия.
1.10-1.15 Ватан тимсоллари.

Ўз ТВ II

9.00 «Янги авлод» студияси намойиш этади: («Арча, арча, арчажон»). Видеофильм. 2-қисм. Мульттомаша.
9.45 «Мусликий дастур»
10.00 «Давр». Ахборот дастури.
10.30 «Ёшлар» телеканалида.
10.35 «Мусликий лаҳзалар»

10.40 «Ёшлар» телеканалида.
10.45 «Муножот»
11.05 «Мухаббат қаҳваси». Телесериал.
12.35 «Олтин мерос»
12.50 «Аждодлар хотираси»
13.10 «Мусликий дастур»
13.30 Баходир Йўлдошев театри: Ҳамза. «Майсаранинг иши»
14.50-15.05 «Шарқ эстрадаси»
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади («Кувнок учрашув». Мульттомаша).
18.40 «ТВ-саяхат»
18.55 «Мусликий лаҳзалар»
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 «Ёшлар» телеканалида.
19.35 «Душанба дастури ва бошқалар»
19.55 «Мусликий лаҳзалар»
20.00 «Жаҳон». Халқро шарҳ.
20.20 Телеомошабинларнинг таълабларига биоан «Чолиқуши». Телевизион бадий фильм. 1-қисм.
21.15 «Бир жуфт қўшиқ»
21.25 «Қишлоқдаги тенгдошим»
21.50 «Ёшлар» телеканалида.
21.55 «Мусликий лаҳзалар»
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.35 «Мухаббат қаҳваси». Телесериал.
23.20 «Ёшлар» телеканалида спорт дастури: «Интерфутбол»
00.50 «Тонг юдузи»

Ўз ТВ III

8.00 «Соғлом бўлай десангиз»
8.10 Телегазета «Экспресс»
«Табриклаймиз, кутлаймиз»
8.45 Болажонлар экрани. «Эртақлар оламида»
9.45 «Нуроний». Маросимлар ҳақида ўйлар.
10.10 «Дилдан куйлаб, ўйна кўнаб»
11.40-13.40 Кинонигоҳ, «МиссиС Даутфайер»
18.00 «Ерилтош». Мульттўплам.
18.15 «Сен ҳақингда ва сен учун»
18.30, 21.30, 22.30 «Пойтахт». Ахборот кўрсатуви.
18.45 Телегазета «Экспресс»
«Табриклаймиз, кутлаймиз»
19.35 «Бунёдкорлик». 8. Болаларга салом берайлик.
19.55 А. Навоий. «Лайли ва Мажнун». Видеофильм. 1-қисм.
20.25, 21.00 Эълонлар.
20.30 «Ахборот»
21.05 «Бурч ва масъулият»
21.20 Кичик концерт.
21.45 «Халқ саломатлиги йўлида»
22.10 «Спорт-тайм»
22.45 «Тап-тортмаслар». Телесериал. 16-серия.
23.10 Оҳанглар ва эълонлар.
23.15 Кинонигоҳ, «Туташ йўллар»
00.45 «Хайрли тун, шаҳрим!»

Ўз ТВ IV

15.00-16.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИНИЕСИ
16.10 «СНН. Жаҳон янгилликлари» (инглиз тилида)
16.40 «Игорь Николаев 30 йилдан сўнг». 1-қисм.
18.05 «Мультархалак»
18.20 «Нотижорат тармоқнинг ривож». Видеофильм.
18.55 «Оламда нима гап?» Ахборот кўрсатуви.
19.05 «Дил изхори»
19.20 «Михаил Евдокимов ва унинг дўстлари». Байрам дастури.
21.00 «Янгилликлар»
21.20 «Ўғрини ушла». Телесериал.
21.45 «Вақт ҳазинасидан»
22.00 «Вести»
22.30 «Соккер-клуб»
22.45 Кинематограф: «Жавоҳир қўл». Бадий фильм.
00.20 «Ахборот»
00.45 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30-канал

Соат 15.00 га қадар профилактика.
15.05, 18.00, 20.20, 00.30 — «Телехамкор», «Метеохабар»
15.30 «Карапуз-ТВ»
16.25 «Фақат хотин-қизлар учун!». Тележурнал.
16.50 «Бахт». Телесериал (Бразилия).
17.45 «Хит-коктейль»
18.25 «Узурпатор аёл». Телесериал (Мексика).
19.10 «Ошиқона». Мусикий дастур.
19.30 «Дундиқча». Телесериал.
20.25 «Клип-совга»
21.30 «30-канал»да киноқошом.
«Федерал полиция». Детектив. 1-серия (Австралия).
23.15 «Тутинган она». Криминал сериал (Италия — АҚШ).
24.00 Мусикий-дам олиш дастури.

РЖТ

7.50, 10.00, 15.00, 21.00 — Янгликлар.
8.10, 11.05, 15.20 — Мультфильмлар.
8.25 «Бир ўзи уйда»
8.40 «100%» дастури.
9.20 «Олдузли онлар»
10.10 ХХ асрнинг унутилмас «Янги йил кечалари»

РДТ

8.00, 14.05, 15.10, 16.05 — Мультфильмлар.
19.20 «Михаил Евдокимов ва унинг дўстлари». Байрам дастури.
21.00 «Янгилликлар»
21.20 «Ўғрини ушла». Телесериал.
21.45 «Вақт ҳазинасидан»
22.00 «Вести»
22.30 «Соккер-клуб»
22.45 Кинематограф: «Жавоҳир қўл». Бадий фильм.
00.20 «Ахборот»
00.45 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30-канал

Т. Туробовани кўрган ёки қаердалигини билганлардан яқин орадаги милиция бўлимига хабар беришларини сўраймиз.

БИЛМАГАННИ СЎРАБ БИЛИНГ

Бир нарсани билмоқчи эдим. Ҳозирда дунё бўйича қанча саёҳат уюштирилади ва бунинг учун қай миқдорда маблағ сарфланади?

Р. Раҳмонов, ҳайдовчи.

Маълумотларга қараганда, ҳар йили дунё бўйича тахминан 6 миллиардга яқин саёҳатлар қайд этилади. Иқтисодчиларнинг таҳлилига кўра, яқин йигирма йил орасида саёҳатга сарфланаётган маблағ беш баравар ўсиши кутилмоқда. Агар 1990 йил дунё аҳолиси сайёҳлик учун 3,2 триллион АҚШ доллари кетказган бўлса, 2000 йилда бу кўрсаткич 4,2 триллион АҚШ доллари га етди. Сайёҳларга 250 миллион киши хизмат кўрсатади.

Соат сайин ўсалдиган дарахт, гуркираб ривожланган эккилар борлигини биламан. Яқинда тез ўсалдиган одам ҳам бўлишини эшитиб қолдим...

3. Обидов, талаба.

Биз яшаётган курраи замин турли мўъжизаларга бой. Манбаларда ёзилишича, Эронда туғилган бир қизалоқ ҳам жис-

монан, ҳам ақлан жуда тез ўсиб кетган. У уч кунлигида ота-онасини таниган, бир ойлигида ўтириб ўйнайдиган, икки ойлигида овқат ейдиган, уч ойлигида эмалқайдиган, олти ойлигида вазни 8 килограмм, бўйи 60 см.га етган, ақл-идроки эса тўрт яшар боланики билан тенг бўлган.

Ўзим новвойман. Қўшним тўй қилаётганда унинг илтимосига кўра хонадонда нон ёнаётсам солиқ идорасидан вакил келиб баённома тузди. Энди катта миқдорда жарима тўлайсиз, дейишашпти. Шу тўғрими?

3. Набиев, Чирчиқ шаҳри.

3. Муҳаммаджонов, ҳуқуқшунос:

– Яқка тартибдаги меҳнат, хусусий тадбиркорлик билан шуғулланишни истаган фуқаро қонуний рўйхатдан ўтиши, солиқ идораси ва санитария эпидемиология станциясидан руҳсат олиши талаб этилади. Аке ҳолда Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 188-моддаси, 2-қисмига биноан суд орқали энг кам иш ҳақининг 75 баравар миқдоридан жарима тўлашига тўғри келади.

Саъдулла ШОДИЕВ тайёрлади.

"01" ХАБАР ҚИЛАДИ

● Самарқанд темир йўл транспорти техникуми автосаройида пайвандлаш ишлари вақтида сачраб чиққан пайванд чўғи "Мосвич-412" русумли автомашина ичига тушган ва натижада энгин содир бўлиб машинанинг салон қисми ёниб кетган. Ёнгини ўчиришда ҳайдовчи И. Багировнинг юзи ва икки қўл кафтлари анча жиддий кўйиб, касалхонага ётқизилган.

● Пахтаобод тумани Соқолли қишлоғида жойлашган божхона-чегара постидаги яшаш вағонида қўлбола ясалган электр иситиш печидан фойдаланиш ярим тунда у ердаги хизматчиларни "безовта" қилиб қўйди. Вагон-хонанинг ички қисми, 3 та каравот кўрпа-тўшакларини ўз домига олган ушбу ёнгини жиловлаш пайтида божхона ходимлари А. Исмоилов, Ф. Абдуллоевлар турли даражада жароҳатланганлар.

● Денов тумани Ш. Рашидов кўчасида яшовчи С. Қўчқоровалар хонадонидан хонани иситишда электр мосламасидан нотўғри фойдаланишдан, аниқроғи хонада шолча устига қўйилган электр иситиш асбоби қизиб кетиши натижасида ёнгин содир бўлган. Ёнгинда шолча ёнган. Ачинарлиси бунда назоратсизлик, эътиборсизлик энди бир ёшга қадам қўйган қизчасининг тутундан димиқиб қолиб, ҳаёт билан жуда эрта видолашишига сабаб бўлган.

● Наманган шаҳар Бураматўт кўчаси 15-ўйда яшовчи Х. Исоқовлар хонадонидан иситиш печидан нотўғри фойдаланиш натижасида ёнгин содир бўлиб, оқибатда унинг томи, шифти ва уй жиҳозлари ёниб кетишига сабаб бўлган. Бироқ, бу билан қаноатланмаган олов тиллари кўшни Ш. Гофуровнинг хонадонига "ташриф" бўюриб, унга тегишли уйнинг томи ва шифтининг ёниб кетишига сабаб бўлган.

● Бешариқ тумани Бешкапа қишлоғида яшовчи Д. Насиповлар хонадонидан кўмир билан ёқилдиган печь эшигининг яқши ёпилмаслиги ҳамда печь остига қўйилиши керак бўлган тунақа тагликнинг йўқлиги натижасида тушган чўғ хонада ёнгин содир бўлишига сабаб бўлган. Ёнгинда хонанинг поли ёниб, катталар назоратидан четда қолиб, ухлаб ётган 4 ёшли Гулҳўв ва 2 ёшли Маликалар тутундан димиқиб бевақт бу ёруғ оламни тарк этишган.

● Чуст тумани Варзик қишлоғи Калонпайон маҳалласида яшовчи Ф. Жўраевнинг 1999 йилда туғилган қизчаси Севара катталар томонидан назоратсиз қолиб сандалга тушиб кетган. Натижада очкич чинкириқдан ўзларига келган ота-она то ёрдамга келгунларича чақалоқнинг иккала оёғи куйишга улгурган.

Д. ВАЛИЕВ, ички хизмат катта лейтенанти.

ХАТЛАРДАН САТРАЛАР

Мен "Постда" газетасини мунтазам ўқиб бораман. Нафақат ўқиб бораман, балки газетангизнинг тарғиботи билан ҳам шуғулланаман. Касбим ўқитувчи, узоқ йиллар мактабларда директорлик лавозимида, халқ таълими бўлими мудири вазифасида ишлаганман. Ҳозирда нафақаданман. Аммо ҳар йили "Постда"га обуна бўлиб келаман.

Сабаби, газета жуда ўқишли, унда юридик маслаҳатлар, тарбиявий руҳдаги мақолалар чоп этилади, бошқа қизиқарли маъзулар ёритилиб келинади. Унинг ижодий жамоасига изланишдан чарчамасликларини тилаб қоламан.

Эркин ЭРГАШЕВ, Қўқон шаҳри.

Ўғилларим "Постда" газетасига обуна бўлишган, ўзим ҳам уни мунтазам ўқийман. Олдинга бу газетани билмасдим. Бир, иккита сонини ўқиб кўрсам, жуда қизиқарли. Мана, ёшим анчага кирган бўлсам ҳам, газетангизнинг доимий муҳлисига айландим.

Тақдирим, бир пайтлар бировлар таъсирида қингир йўлга кириб қолиб, кейинчалик хатосини тушуниб, тўғри йўлни танилаб, ҳалол яшаб келаётганлар ҳақида ҳам ёзинглар.

Мен жамоаларингга янги йилда ижодий ютуқлар тилайман.

Облоберди ҚОДИРОВ, Езёвон тумани.

"СОВЧИ"НИНГ СИРИ ОЧИЛДИ

Маҳфуза (айрим мулоҳазаларга кўра исмлар ўзгартириб олинди) муқаддам сулланиб, беш йил озодликдан маҳрум қилинган, амнистия туфайли жазони ўташдан озод этилган. Аммо ўрганган кўнгил ўртанса қўймас деганларидек, у яна эски ҳунарини қўмсаб қолди-да, бир кун тонгда бозорга чиқиб, турфа хил тилла тақинчоқлар савдоси билан шуғулланаётган аёллар ёнига борди. Уларнинг орасида сал бўшроғи борлигига ишонч ҳосил қилгач, унинг ёнига борди-да: "Опа, мен сизни анчадан буён кузатиб юрибман. Ўзим ҳам тиллафурушман. Айтишларича, синглингиз бор экан. Менинг акам бор, шунга элчилик

савоб иш. Хўп десангиз эртага бир уйингизга бориб, аввал қизни кўрсам. Сўнг акамни кўрсатамиз", – деди. Савдо иши билан ўта банд бўлганлиги учунми ёки ишонувчанлигиданми, Нафисахон ўзи ҳали йигирмага ҳам бормаган қиз қандай қилиб акасига қаллиқ танлашини ўйлаб кўрмади-да, беихтиёр уй манзили ва телефонини айтиб юборди.

Нафисанинг уйига телефон қилиб ёшгина, ҳали балоғатга етмаган қиздан бошқа ҳеч ким йўқлигини билган Маҳфуза аста эшик қоқиб келди ва қизчага "Мен аянгизнинг дугонасиман, келгунинча ўтириб турай", – дея суриқ қилиб ичкарига кириб олади. Нафисанинг юраги нимани-

дир сезиб, уйига тезда қайтиб келиб қараса, уйда Маҳфуза ўтирибди. Шунда ҳам ёмон нарсани гумон қилмаган бека "меҳмоннинг" кўнглини олиб, қуюқ дастурхон ёзди. Узоқ у ёқ-бу ёқдан гаплашиб ўтиришгач:

– Меҳмондорчилик учун раҳмат, – деди Маҳфуза салмоқлаб. – Энди асл мақсадга ўтсак, сиз бориб синглингизини айтиб келсангиз. Мен эса ўтириб тураман.

Нафиса:

– Синглимнинг уйда телефони бор. Ҳозир кўнгириқ қилиб чақираман, – дея ичкарига кириб кетганда, Маҳфузанинг юраги ўйнаб, мўлжалга олиб қўйган ҳамёни сумкачасига солиб қўйди. Ҳамёнда жами 122

минг сўмлик тилла тақинчоқлар бор эди.

Синглисига телефон қилиб меҳмонхонага чиққан Нафисанинг юраги бирдан "шиғ" этиб, эсига ҳали меҳмонни кутиб олаётганида ошхонада қолдирган ҳамёни тушди. Қараса, ҳамён жойида йўқ.

– Синглим, ҳамёнимни беринг, унақа ҳазиллашманг, уларнинг ҳаммасини бировлар сотгани беришган, – деди титраб. Унга жавобан Маҳфуза:

– Менда ҳеч нарсангиз йўқ. Бақирмай гапиринг, – дедию, сумкасини олиб хонанан қочиб чиқиб кетди. У шу югурганча ташқарига чиқиб дуч келган хонадонни тақиллатиб, эшик очган бекага:

– Опажон, мени ичкарига киритинг! Акам қувиб келяпти. Ушлаб олса ўлдириб қўяди, – дея ялинди.

Аммо уй эгаси уни ичкарига қўймади. Шу пайт орқасидан Нафиса етиб келиб, "дод" дея Маҳфузанинг сумкасига чанг солиб, қўшнларининг гувоҳлигида ҳамёндаги тилла тақинчоқларини олди.

Маҳфуза ўзининг жирканч қилмиши учун қонун олдида жавоб берди. У суд ҳукми билан ўзига тегишли мол-мулки мусодара қилиниб, беш йил муддатта озодликдан маҳрум этилди.

Ғ. ТОШХЎЖАЕВ, Андижон шаҳар прокурори ўринбосари, У. ЙЎЛЧИЕВА, журналист.

ҚОРАСУВЧА ҚАСД

Солижон ака иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси. Унинг бу ёруғ дунёда одамларнинг тинчлиги, бугунги фаровон ҳаётга ишончи учун олов пуркаб турган жангу жадалларга кириб, жонини фидо қилиб қайтиб келиб, орттиргани биттагина ёлғиз Рустам эди. Афсуски, ота етмиш беш баҳорни қаршилаб, ёлғизидан кўпайган беш нафар набираларини пешонасини силаб ўтирган бир пайтда, тақдир азал унга ўғлингни ўлдириш учун қасд қилганлар қўлида ўласан, дея ҳукм чиқарган экан.

...Ҳосилнинг ўзи бирор жойда ишламайди. Бирор-бир фойдали меҳнат билан шуғулланмагандан кейин бекорчилик одамни нималарга бошламайди, дейсиз. Шунинг учун ҳам у ўзларига яқин бўлган Қорасув шаҳар, "Уч тегиримон" кўчасида яшовчи Солижон отанинг ўғли Рустам билан қачонлардир бир-икки оғиз айтишиб қолганлигини ўйлади. Ўйлади-ю, "Мен уни уриб, тавбасига таянтираман!" — деди ўзича. Соат 12.00лар чамаси эди. Кўчада Рустамнинг кетаётганлигини кўриб муддаосини амалга ошириш учун машинани секинлатди, "Чиқ машинага!" дея эшикни очди. Рустам бош тортоқчи бўлди-ю, аммо Ҳосилнинг "кўрқоқ" деган таънасидадан чўчиб машинага ўтирди.

Ҳосил Гоипов уни Кўргонтепа тумани, Тўқтағул жамоа хўжалиги, 4-бригадасининг аҳоли яшамайдиган дала майдонига олиб борди ва машинасининг юкхонасидан монтажник олиб Рустамга ташланди. Ҳосилнинг мақсади жиддийлигини кўриб Рустам қоча бошлади. Ҳосил етиб олиб Рустамнинг бошига урди. Рустам ўзини ҳимоя қилиш мақсадида ердан тош олиб Ҳосилга қаратиб отди, ариқдан ўтиб, қочиб кетди.

Рустамга етолмай қолган Ҳосил уйига келиб, укаси Хусанни қақриб, "Мени Рустам урди!" деди. Шундан сўнг ака-ука ўч олиш мақсадида, укасининг бошқарувида бўлган Т 28х4 русумли тракторга ўтириб, Рустамнинг уйига боришди. Рустам ҳали уйига келмаганди. Хусан Гоипов унинг уйига трактор билан бостириб кириб бориб, отаси Солижон ака Охуновни тракторнинг олди филдирани билан бостириб, оғир тан жароҳати етказди.

Воқеадан хабар топган кўни-қўшнилари қий-чув қилишиб, "Тез ёрдам" қақришди. Отахон Қорасув шаҳар марказий шифохонасининг жонлантириш бўлимига ётқизилди. Ўша кунни Ҳосил Гоипов ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, касалхонада отасининг ёнида ўтирган Рустамнинг олди укаси Хусан билан кириб, жароҳатли қайчиси билан яна Рустамнинг бўлинига урди. Врач Толибжон Аҳмедов унга ташланиб, қўлидаги қайчини юлиб олмаганида, яна бир жиноят содир этиларди.

Шифокорларнинг кўрсатган барча хатти-ҳаракатлари зое кетди. Солижон ота касалхонадан чиқмай вафот этди. Жиноят жазосиз қолмайди. Хусан Гоипов олий жазо — ўлимга, Ҳосил Гоипов эса 18 йилга қамалиб қилмишларига яраша жазосини олди. Аммо уларнинг бу бадкирдорликлари оқибатида Қорасувда учта оила пароканда бўлди.

Файратбек ОТАХОНОВ,
вилоят прокуратураси тергов бўлими бошлиги,
2-даражали юрист.
Умида ЙЎЛЧИЕВА,
журналист.

Вилоятимиз чорвачиликни ривожлантириш учун қулай шароитга эга. Кенг адирлару чексиз яйдоқ чўлу даштларда йил бўйи чорва молларини боқиш мумкин. Аҳоли асосан чорва молларини кўпайтиришда ана шу имкониятлардан тўлиқ фойдаланади. Кейинги йилларда гўшт ва гўшт маҳсулотларга бўлган талаб ошаётганлиги сир эмас. Чорва молларини семиртириб боқининг ўзи бўлмайди. Туну кун тинимсиз меҳнат қилганларгина чорва моллари туёқ сонини кўпайтиришга эриша олади. Афсуски, меҳнатга бўйни ёр бермайдиган текинхўрлар чорва молларини ўғирлаб арзон гаровга пуллаб ҳаёт кечирмоқдалар. Гарчи ички ишлар идоралари ходимлари томонидан тезкор чоралар кўрилишига қарамай ҳали бу борадаги муаммолар тўлигича ечимини топмапти. Кишлук фуқаролари йиғинлари, ўзини-ўзи боқариш идоралари, маҳалла фаоллари, посбонлари олиб бораётган ишлар етарлича кўзга чалинмапти. Омма ўртасида тарғибот ва ташви-

БУ ҲАММАНИНГ ИШИ

қот ишлари суст олиб борилмоқда.

Шу йилнинг 11 ойида вилоят ҳудудида 393 та чорва моллари ўғирлаш жинояти содир этилган. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 52 та ҳолатга кўп демакдир. Жиноятни фош этиш ўтган йилнинг шу даврига нисбатан бирмунча яхшиланса-да, аммо бу билан қаноатланиб бўлмайди. Вилоятнинг Чирокчи, Қамаша, Яккабоғ, Баҳористон, Муборак туманларида чорва моллари ўғирлиги жинояти ўсгани ачинарли ҳолдир.

Ўғирликнинг олдини олиш мумкинми? Албатта, мумкин. Бу аввало фуқароларнинг ўзига боғлиқ, қолаверса, жамоатчилик кенгашлари, фуқаролик йиғинлари, ўзини ўзи боқариш органлари ишлаб турибди. Шунингдек, маҳалла посбонлари фаолият кўрсатмоқда. Муқаддам судланганлар устидан мунтазам назорат ўрнатилмоқда. Аммо шунга қарамай жиноят юз бераёт-

Она алла айтади. Бор меҳрини, қалб ҳароратини кўшиб, жўшиб-жўшиб айтади. Гўдаги илк бор чучук тил билан "ая, аяжон" деганида юраги бир орзиқса, атак-чек қадамларини кўриб яна бир севинади. Боланинг бўйи чўзилгани сари онанинг кўнгли ўсади. Аммо ногаҳон дилбандига бир шикаст етса-чи? Худо кўрсатмасин, бир лаҳзада онанинг дил дунёси зимистонга айланади.

Шу йил 17 октябрь кунни соат тахминан 13.00лар чамасида Учқудук шаҳридан чиқиш йўлининг 2-километрида фалокат юз берди. Тўсатдан йўлнинг қатнов қисмига югуриб чиққан 1991 йилда туғилган Шаропат Раҳмоновни "Нексия" автомашинаси уриб юборди. Зудлик билан бола шаҳар касалхонасига келтирилди. Аммо шифокорларнинг барча уринишлари зое кетди. Бош қисмидан оғир-тан жароҳати олган Шаропат орадан уч кун ўтгач, касалхонада жон берди.

Ушбу йўл-транспорт ҳодисаси юзасидан ўтказилган хизмат текшируви хулосасида: "Йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлган кун боланинг ота-онаси Кўлқудук жамоа хўжалигида яшовчи қариндошлариникига кетишган, болалар уйда қаровсиз қолган..." лиги қайд этилган.

Халқимизда шер қутирса, ойга сапчир деган нақл бор. Ёмон тилдан чиққан ёмон сўз оқибатида одамлар ўртасида адоват юзага келади, инсонлар бир-бирига қўл кўтаради. Айрим ҳолларда шунчалик ваҳшийлашиб кетадилар, газабдан қутурган шер каби наъра тортиб оғир тан жароҳати етказишдан, ҳатто кимнингдир қотилига айланиб қолишдан ҳам тоймайди.

Масалан, туманимизда шу йилнинг ўтган тўққиз ойи мобайнида баданга тан

Минг афсуски, кейинги пайтда болалар иштирокида содир бўлган фожиали йўл-транспорт ҳодисалари, асосан, боланинг ота-она назоратидан четда — эътиборсиз

ПОСБОН БЎЛАЙ, БОЛАЖОН!

қолиши оқибатида келиб чиқмоқда. Бундан икки ой муқаддам Навоий шаҳар В. Булат кўчасида "ВАЗ-2101" русумли, давлат рақам белгиси 21 В 64-12 бўлган автомашина йўлнинг ҳаракат қисмидан югуриб ўтаётган 1994 йилда туғилган, Навоий шаҳрида яшовчи Азимжон Тўхтаевни уриб юборди. Афсуслар бўлсинки, фалокат билан изма-из келган ажал беш ёшли Азимжонни ота-онаси бағридан бир умрга юлиб кетди. Энди ҳар гал боласининг жажжи пайпоқчаларини кўрганида онаизор кўнгли вайрон бўлади. Дилбандининг бийрон сўзларини соғиниб, кўз ёшларини тийишга куч топа олмай қолади. Нафақат қалби, бутун вужудини, жисми-жонини фарзанд доғи куйдиради...

Автофалокат оқибатида жароҳатланиб, майиб-мажруҳ бўлиб қолган ёки ёруғ оламда яшаш бахтидан жуда эрта бе-

насиб бўлган болажонларнинг фожиали тақдир ҳақида ўйлар эканман, буюқларимиздан бирининг "Тарбия улуг иш, у билан инсон ҳаёти ҳал этиратидан четда — эътиборсиз

ри ёдга тушади.

Таҳлилларга қараганда, жорий йилнинг ўтган ўн ойида болалар билан боғлиқ 36 та йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлиб, бунда 28 нафар бола тан жароҳати олган, 8 нафари ҳаётдан бевақт кўз юмган. Рақамларга кўз югуртирар экансиз, бир-биридан оғрикли саволлар дилни тирнайди. Боланинг автомобиль фалокатига йўлиқишига, капалакдек нозик жисми-жони шунча оғриқ-азобга гирифторм бўлишига ким айбдор? Ҳали ўзини транспорт хавфидан асрашга ожиз бўлган болакайнинг фожиали ўлимида бор айбни гоҳ ҳайдовчига, гоҳ эса автомашина олдида тўсатдан пайдо бўлган мурғак вужудга тўнкашдан аввал озгина мулоҳаза қилайлик. Бунда фарзанд тарбияси учун ҳаммадан кўра кўпроқ масъул бўлган ота-онанинг гуноҳи камми? Нега улар кўз қораси, дилбандини унутиб

қўйишди? Бир неча лаҳзалик бепарволик, лоқайдлик энди тоабод улар кўксига армон бўлиб ботади.

Таҳлиллардан шу нарса маълумки, мактаб ва мактабгача ёшдаги болаларнинг йўл-транспорт ҳодисаси оқибатида жароҳатланишига асосан уларнинг бу борада билим ва тушунчага эга эмаслиги сабаб бўлмоқда. Вилоятимиз мактабларида аксарият йўлларда ҳаракатланиш қоидалари дарси мутахассис ўқитувчилари йўқлиги сабабли синф раҳбарлари зиммасига юклатилган. Бу соҳа бўйича билим ва малакага эга бўлмаган муаллимнинг қай даражада сабоқ бериши ҳеч биримизга сир эмас. Ташвишли томони шундаки, айни кунда долзарб бўлиб турган бу масала, яъни мутахассис ўқитувчилар билан таъминлаш ҳамон муаммолигича қолмоқда.

Фарзандларимиз бошқа фанлар қатори йўлларда ҳаракатланиш қоидалари бўйича ҳам билимдон бўлишса, бу улар ҳаётини, соғлигини асрашга хизмат қилишини унутмаслигимиз керак. Токи эртанги кунимиз эгалари бўлган болалар ўзини ўзи асрашга, хавфсизлигини таъминлашга қодир бўлсин. Шундагина фалокат чекинади.

Нигора РАҲИМОВА,
милиция лейтенанти,
Навоий вилояти.

ШЕР ҚУТУРСА ОЙГА САПЧИР...

жароҳати етказиш билан боғлиқ 20 та жиноят содир этилди. Бу жиноятлар замирида худбинлик, ҳасад, адоват, бағритошлик ётибди.

Гоҳо кўни-қўшнилари, оға-инилари, биродарлар, ҳатто аёллар ўртасидаги жанжаллар дилмишни ранжитади. Жийда қишлоғилик Ш. Алиқулов С. Сайфиддиновга, Бешариқ шаҳрида яшовчи Н. Аҳмадалиева Д. Ҳатамовага, Ариқбоши қишлоғилик Ў. Рустамов О.

Хидирназаровага тан жароҳати етказган. Қозоққўрғон қишлоғида яшовчи М. Қурбонов Й. Ҳотамовни уриб соғлигининг бузилишига сабабчи бўлган. Узун қишлоғида яшовчи А. Узоқов маст ҳолда А. Зокировни урган. Узоқов Абдураҳмон ҳатто отасини дўппослаган. Қапаянги қишлоғилик Тўхтааматов Абдулазиз ўғай онасини чошиб ўлдирган.

Агар санайверсак, гап чўзилаверади. Қисқаси, эса

жоҳиллик ҳеч қачон инсонга бахт келтирмаган, фақат бахтсизлик, бошига ташвишлар келтирган, холос, демоқчимиз. Маҳаллалар ҳамжиҳат, одамлар аҳил, иноқ бўлиб яшасалар ҳеч қачон уриш, адоватлар, жиноятлар келиб чиқмас эди.

Хусанжон ИСЛОМОВ,
Бешариқ туман ИИБ
бошлиги, милиция
подполковниги.
Маърифат ФАНИЕВА.

ҳам бўлади. Кўраяпсизки, бу жиноятни очишни мушкуллаштиради. Шунга қарамай изқувларлар жиноятчиларни қўлга олиш учун бутун имкониятларни ишга солишади.

Вилоят ҳудудида кейинги пайтларда бир тумандан иккинчи туманга бориб ўғирлик қилишга уринувчи уюшган гуруҳлар кўлга олинди. Жумладан, Фузор туманида яшовчи Шоди Йўлдошев бошлиқ уюшган гуруҳнинг 7 аъзоси Косон, Қарши, Қамаша ва Фузор туманларида 34 та чорва моллари ва дўкон ўғирликлари содир этишган. Улар деярли қариндошлар. Шоди Йўлдошев ва унинг айрим шериклари муқаддам судланган.

Мазкур туманда яшовчи Абдуназар Ҳақимов кўшни Қамаша туманида яшовчи бир гуруҳ жиноий шериклари билан 30 дан ортиқ жиноят содир этишган. Гуруҳ аъзолари 33 бош қорамол, 15 бош от, 7 бош қўйни гумдон қилишган.

Баъзида фуқароларимизни далада чорва молларини қаровсиз ҳайдаб қолдиришга ётганларини айтиб ўтдик. Масалан, Муборак туманининг Муборак жамоа ширкат хўжалигида яшовчи Ҳайит Ҳамидов қармоғидаги чорва молларини хўжалик дала-сида қаровсиз қолдиради. Оқибатда унинг 12 бош қўйи ва 2 бош эчкиси ўғирланади. Милиция ходимларининг сазой-ҳаракати билан жиноят иссиғида фош этилди. Чирокчи туманида яшовчи Қаршибой Равшановнинг 6 бош қорамолини Ш. ва С. исмли шахслар даладан ўғирлаб ўзлаштирадилар. Яккабоғ тумани ички ишлар бўлимида тергов жараёнида Шаҳрисабз туманида яшовчи Қ. Шералининг қинғирликлари фош этилди. У Шаҳрисабз туманидаги Ф. Бобоёров жамоа хўжалиги майдонидан Ф. Бердиевнинг 3 бош, А. Тўхтаевнинг 3 бош, Яккабоғ туманидаги Қизилсув жамоа хўжалигида яшовчилар М. Ҳасанов-

нинг 2 бош, Ю. Каримовнинг 3 бош қўйларини ўғирлаганлиги аниқланди.

Ўғирликни кўпинча четдан биров қилмайди. Шу маҳалла ёки қишлоқда яшовчи шахс шериклик қилиши суриштирув чоғида юзага қалқиб чиқаяпти. Бу нимани кўрсатади? Албатта, жойларда ўз-ўзини бошқариш органлари раҳбарларининг ташаббускорлиги етишмаслигидандир.

Халқимизда қарс икки қўлдан деган гап бор. Ҳамкорликнинг меваси хамиша катта самара берган. Жиноят қилишга мойил шахслар аниқланганда уларнинг қинғирликларини хас-пўшлашга эмас, балки уни вақтида танобини тортишга, жамоатчилик олдида изза қилиш лозимдир. Зеро, кўпнинг сўзи қилишдан ўтқирдир. Бу борада оқсоқолларимиз, фахрийларимиз ва ҳар бир фуқаро синчковлигини оширишса, ҳар қандай жиноятнинг илдиизига ўз вақтида болта урилади.

Ўроз ҲАЙДАРОВ,
Қашқадарё вилояти ИИБ
матбуот гуруҳи катта
инспектори,
милиция майори.

Эртаган бошлаб — 2000 йил!

"ҚЎРҚИЧЛИ ҚОРБОБО"

Бу воқеа ўтаётган йилни кутиш арафасида бўлган.

Кутиб чарчаган болаларга тезроқ Қорбобони "чақириб", совғаларини бериб, ухлатиш керак бўлиб қолди. Улар ҳам анойи эмас, "ростакам" Қорбобони кутишяпти.

Нариги хонага болаларнинг буважонини олиб кириб, эгниларига чопон кийдирдик. Бошларига оқ чойшабдан салла, юзларига танимайдиган даражада пахта ёпиштириб, бурниларига лаб бўёқ сурдик. Келинпошша ўқловга ҳарир дераза пар-

дани зар иплар билан болаб, ҳасса ясаб бердилар.

Тоқатлари тугаган набираларим эшикни қоқа бошлашди. Мен уларни алоҳситиб турадиган, "Қорбобо" совғалар солинган ёстик жилдни кўтариб, ташқарига чиқадиган, бироздан кейин эшик кўнғироғини чалиб, кириб келадиган бўлди.

Кўнғироқ жиринглади. Эшик очилиши билан: Салом болалар! — дея "Қорбобо" кириб келдилар. Уни кўра ҳозиргина йўлига интизор бўлиб турган болаларнинг капалаги учиб кетди: Зиёдахон "дод" дегани-

ча ойисига ёпишди, Дилноза чинкириб йиғлаганича қочгани жой тополмай, йиқилди, Улғубек меҳмонхонага қочди, беш ёшли Рустамбеккина кўзларини пирпиратиб, "Қорбобо"га кўрқув билан қараб турарди.

Шошганидан оёқларига солдатча ботинка кийган "Қорбобо"миз қанча ҳаракат қилмасин, набираларимнинг бирортаси Қорбобого бағишлаб ёд олган шеърларини айтишга, ҳатто "Қорбобо"нинг кўлидан совғаларни олишга ҳам унашмас, оналарига маҳкам ёпишиб олгандилар.

Ниҳоят "Қорбобо"ни кузатдик. Эшик кўнғироғи яна жиринглади. Қарасак, ички ишлар идораларида ишловчи кўевимиз. У ҳайрон ажабланиб гоҳ бизга гоҳ пастки қаватга олиб тушувчи зинага қарарди.

— Ҳа, тинчликми?
— Қизиқ, — шошилиб пастга югурди у. — Пастга галати шубҳали Қорбобо тушиб кетди, ҳужжатларини сўраб кўрай...

Ҳаммамиз баробар кулиб юбордик. "Соқоллари"ни амаллаб юзидан ажратиб, халтасига солган, бўғриқиб кетган "Қорбобо" эса "уфф" энди сира қорбобо бўлмайман", — дея ҳассасини дўқиллатиб зинадан чиқиб келарди.

Бу турфа олам

АФСОНАВИЙ
ШАҲАРЧА

Биробиджон шаҳрида ўтказилган "Энг яхши Қорбобо" конкурсда бир кўлига стакан, иккинчисига бодринг ушлаган Қорбобонинг муздан ясалган баҳайбат ҳайкали голиб деб топилди. Шаҳар мэри томонидан эълон қилинган бу конкурсда ўқувчи ва талабалардан ташқари катта ёшли рассомлар ва ҳаваскорлар ҳам иштирок этдилар. Натижада автономияда ташкил қилинган бош арча атрофида муздан ясалган афсонавий шаҳарча пайдо бўлди. Бу "шаҳарча"ни эртақлардаги 22 та персонаж безаб турибди. Уларни безаш учун камида 30 минг сўм сарфланган бўларди. Лекин моҳир рассомлар безак ишларини бепул бажардилар.

"ЎРМОНДА АРЧА ТУГИЛДИ"

Қозон шаҳридаги Спасск минорасига ўрнатилган Кремль соатлари одатдаги бонг ўрнига болаларнинг "Ўрмонда арча туғилди" кўшигининг мусиқасини чала бошлади. Улкан соатнинг байрам кунларидаги "иш тартиби"ни Қозон давлат техника университети мутахассислари ишлаб чиқдилар ва жорий қилдилар.

ТЎҚУВЧИЛИК ҲАМ САНЪАТ

Бенгалиялик тўқувчиларнинг оддий пахта толасидан ип йигириб, тўқиган матолари Европа ва Яқин Шарқда машҳур бўлиб кетди. Бу мато шунчалик нафис ва енгилки, узукдан ҳам бемалол ўтиб кетаверади. Уни "шамол ва ўргимчакнинг нозик тўрларидан тўқилган" дея таърифлашади. У жуда қиммат бўлгани бонс сотиб олишга ҳамманинг ҳам қурби етавермайди.

Айтишларича, қачонлардир ҳоқон Шоҳ Жаҳон қизи Жаҳоноронинг беодобларча кийинганидан ранжиган, "ўта юпка кийим кийгансан" дея койиған экан. Аслида малика Жаҳоноро худди юқоридаги матодан олти қават қилиб сари ўраб олган экан...

Фойдали
маслаҳатларОЁҒИНГИЗНИ
ЭХТИЁТ ҚИЛИНГ

Оёқ кийими кўпинча ўзига нам тортади ёки сув ўтказиши. Турли касалликларга чалинмаслиги учун оёқ кийимини тез-тез куриштириб туришга тўғри келади. Бинобарин, махсус елим тайёрлаб, кийимга сурилса у ҳар қандай об-ҳаво шароитида ҳам қуруқ бўлади. Бунинг учун: қопқоқли шиша идишга 100 г. ацетон қуйиб, унга 20-30 г. целлулоид (кино ёки фото плёнка қийқимларини), 1-2 г. шавел ёки лимон кислотаси солинади. Целлулоид эриб биттунча аста чайқатилади. Қарабсизки, сув ўтказмайдиган елим тайёр.

КАРТОШКАНИНГ
ДЎСТИ — ОҲАК

Омбордаги қишга асраган картошканинг бир кўздан кечириб кўйинг: чириган ёки чирий бошлагани бўлса, дарҳол териб олинг. Акс ҳолда чириш бошқаларига ҳам "юқиб" қолиши мумкин. Картошка доим қуруқ туриши ва чиримаслиги учун картошканинг ёнига бир идишда оддий, майдаланган оҳак солиб кўйинг. Оҳак хонадаги намликни ва картошкадаги хўлликни тортиб олади. Оҳакни алмаштиришнинг ҳожати йўқ.

Пиёзни кул ичида асрасангиз уни турли касалликлардан асрайди ва пиёзингиз баҳоргача соғ-саломат "яшайверди".

ГИППОКРАТ
ЧОЙИ

Арпадан тайёрланган дамлама Гиппократ давридан буён маълум бўлган ўта шифобахш ичимликдир. Гиппократ чойи ўрнига худди шу суюқликни ичишни таклиф қилган. Чунки арпа асаб тизими, юрак касалликларини даволашда қон таркибини ва модда алмашинувини яхшилашда ўта фойдали. Дамлама куйидагича тайёрланади: оддий арпани олиб, кофе майдалагичда майдаланади. Термосга бир стакан қайноқ сувга бир ош қошиқ майдаланган арпа миқдорига солиб, дамланади. Ун икки соатдан кейин дамлама доқада сузилиб, ичилаверади.

БАЙРАМ ҲАЗИЛЛАРИ

БЕМАВРИД
"МЕҲМОН"

— Ҳой даласи, туринг, Янги йил келяпти.

— Нима? Ким келяпти? Оббо, бемаврид меҳмон экан-да, ичкилик қолмаганди-ку?!

ЎЗИДА ЙЎҚ...

— Дугонажон, мана, Янги йил киришига саноқли дамлар қолди. Қорбободан нималар сўрамоқчисан?

— Кўпроқ пул, бойлик.
— Вой ақлсиз-ей. Мен ақл-идрок, бахт сўрамоқчиман.

— Ҳамма ўзида йўқ нарса ни сўрайди-да...

ГАПНИ
АЙЛАНТИРМА

— Адажон Янги йилда менга нима олиб берасиз?

— Гапни айлантирмай, "ўйлаб кўйинг" деявермайсанми?

УЛУҒБЕКНИНГ
ШЕЪРИ

— Қорбобомиз оппоқ, Бошида бор қалпоқ. Елкасида қопи бор, Ичида соати бор.

СОВУҚДАН
КЎРҚИБ...

— Адажон, арча олиб келмадингизми?

— Арчалар совуқдан кўрқиб, тоққа қочиб кетишибди, ўелим.

2001 ЙИЛ

— 2000 йилдан кейин нима бўлади, биласанми?
— Биламан. 2001 йил бўлади.

УЛФАТЛАР

— Кел дўстим, бугун яхшилаб бир отамлашайлик. Энди шу билан 2000 йилда кўришамиз, ахир...

АЁЛЛАР ЙИЛИ СОВҒАСИ

Нодирбек Нишонев Тошкент олий ҳарбий-техника билим юртининг биринчи қалдирғочларидан. Ўз фаолиятини ИИБ Ички кўшинлари сафида хизмат қилишдан бошлаган катта лейтенант Нодирбек ҳозир жазони ижро этиш муассасаларидан бирида масъул лавозимда ишламоқда.

— Сизга атаб лотерея сотиб олдим, — деди у рафиқаси Нилуфарга, — мана кўринг, унга исмингизни ёзиб қўйдим.
— Қорбобонинг совғаси бўларкан-да, — қулди Нилуфар, — қани, фарзандларингиз Мирзо Улғубек билан Дилноза-хонга 2000 йилнинг совғаси қанақа бўларкин...

Омадни қарангки, Нодирбекнинг аёллар йилига бағишлаб чиқарилган "Меҳр-муруват" лотереясида сотиб олган биттагина чиптасига Қорбобо нақд... 50 минг сўм ютуқ ҳада қилди!

Ўз мухбиримиз.

ШУКРОНА

Маъно гулшанидан териб дурдона,
Айтурман субҳидам минг бор шукрона,
Эркин нафас олур замин, замона,
Истиқлол нуридан юрт орастадир.

Кўёш шуъласидек ёрқин иқболим,
Зафар-ла одимлар эрк, истиқлолим,
Аминман, буюқдир ҳам истиқболим,
Чунки юртбошимиз камарбастадир.

Бахтимиз қадрига етмаганларнинг,
Шукрни дилга жо етмаганларнинг,
Бу кунлардан рози кетмаганларнинг,
Юраги, вужуди мажруҳ-хастадир.

Эртага нақд бўлур-бугун неки йўқ,
Бунёдкор режалар кўнглим қилур тўқ.
Аланга олажақ милтиллаган чўғ,
Муддаога етмоқлик аста-астадир.

Ойнадек тин-тиник осмон менга ёр,
Чамандек яшнаган макон менга ёр.
Хур, обод, мустақил Ватан менга ёр,
Қалбимга гурурий руҳ пайвастадир.

Шухратинг қутламоқ — азму-қарорим,
Оллоҳнинг назари тушган дийрим,
Васфинени мадҳ этгай ушбу ашъорим, —
Ижодим богидан бир гулдастадир.

Соип МУҲАМЕДОВ,
меҳнат фахрийси.

БИЛАСИЗМИ?

Ҳар бир миллатнинг ўзига хос урф-одатлари бўлади. Янги йил соати бонг ура бошлаганда қайсидир мамлакатда кераксиз буюмлар кўчага улоқтирилади, кимлардир бирига шафтолининг нафармон гулли шохчаларини ҳада этади, яна қайси бир юртда бўй етган қизлар сирли онларда, шам ёруғида муқаддас сувга тилла узук солиб, ўз тақдирдан фол оцади. Лекин Янги йилни кутишда турлича урф-одатлардаги халқларда бир муштараклик доимо сезилиб туради. Бу — содда қилиб айтганда ўзига хос иримлардир.

Янги йилни тўкин дастурхонсиз, анвойи ноз-неъматлар ва ҳушчақчақлик билан кутиб олмайдианлар бўлмаса керак. Агар буларни билмасангиз — билиб кўйинг:

— Янги йил дастурхонингиз қанчалик тўкин бўлса йил давомида дастурхонингиздан барака аримайди;

— Янги йилни яхши кайфият, ўйин-кулгу билан кутиб олсангиз, кейинги янги йилгача кунларингиз шоду-хуррамлик билан ўтади;

— Янги йилни яқин дўстларингиз билан кутсангиз, йил бўйи ўша дўстларингиз ёнингда бўлади;

— Янги йил кириб келаётганда чўнтагингиз бўш бўлмасин — йил давомида омадингиз келиб, қўлингиздан пул аримаслиги шунга ҳам боғлиқ;

Унутмангки:
— Янги йилни кутишдан эриниб, ухлаб қолсангиз — шу йил сиз учун уйку йили бўлади;

— Янги йил кириб келишидан олдин қарзларингиз бўлса — қутулиб қўйганингиз маъқул. Акс ҳолда кейинги йилда ҳам қарз юки остида қоласиз.

— Ҳар қандай шароит, ҳолатда ҳам янги йилни йиғлаб кутманг — йил давомида ҳар бир байрамда йиғига баҳона топилди.

— Янги йил арафасида бирор кўнғилсиз-

лик юз бериб, дилингиз хуфтон бўлса сира ҳам оила аъзоларингиз, касбдошларингиз дилини оғритишга уринманг. Акс ҳолда улар сиздан умр бўйи ранжиб, "фалончи ҳар байрамни ўзи ҳам одамдек кутмас эди, бизни ҳам яйраб юришимизни кўролмасди", — деб сиз ҳақингизда кўпроқ салбий фикр билдирадилар.

Азиз дўстлар!

Ҳар қандай шароитда ҳам Янги йилни аъло кайфият, шоду хуррамлик билан кутиб олинг. Ахир иккинчи минг йилликни қаршилаш ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Аллоҳим шу кунларга етказганига шукр деб ер юзи халқлари қатори юртимизга, халқимизга тинчлик-омонлик, соғу саломатлик дастурхонимизга файзу барака тиланг. Янги йилда қилган тилақларингиз албатта ижобат бўлади.



ЯНГИ ИЛ КРИПТОГРАММАСИ

Азиз муштарийлар! Дастлаб маънолари қуйида баён этилган ва арабча рақамлар билан беркитилган "очқич" сўзларни топиб, кейин уларнинг ҳарфларини тегишли рақамлар асосида шакл хоналарига бирма-бир ёзиб чиқсангиз, криптограммада осойишталик посбонлари ҳақидаги шеърини мисраларни ўқийсиз.

"ОЧҚИЧ" СЎЗЛАР:

I. Бирор муносабат билан қувонч, шодлик, тантана ва ўйин-кулгу билан кутиб олиш, кенг нишонлаш одат бўлиб қолган анъанавий кун — 8, 13, 11, 18, 13, 1;

II. "Ёзда ҳам, қишда ҳам бир хил кийимда" (топишмоқ) — 13, 18, 22, 13;

III. Ҳафтанинг Янги 2000-йил кириб келадиган куни — 7, 13, 9, 8, 13;

IV. Қутлов — 14, 13, 8, 18, 2, 20;

V. Санъат тури — 17, 12, 14, 18, 13, 15, 13;

VI. Мамлакатимизнинг бош шахри — 14, 16, 7, 20, 19, 9, 14;

VII. Ўзбекистон Республикасида давлатнинг маъмурий-ижрочи органи — 1, 2, 3, 2, 4, 2, 5;

VIII. Ички ишлар идоралари ходимларининг адо этилиши мажбурий бўлган вазифаси — 8, 21, 18, 22;

IX. Янги топишмоқлардан: "Бирлаштириб кийимни, Иссиқ тутади бизни" — 14, 21, 10, 1, 13;

X. "Элга 6, 2, 23, 1, 13, 14 — олий ҳиммат" (мақол).

Тузувчи: Ҳамидулла АБДУЛЛАЕВ.

ГАЗЕТАМИЗНИНГ ЎТган Сонида Чоп Этилган Кроссворднинг Жавоблари:

Энига: 7. Зарафшон. 8. Трамплин. 10. Ганж. 11. Твен. 12. Олмахон. 13. Чистон. 15. Аляска. 17. Ожиза. 19. Электр. 20. Миррих. 24. Курка. 25. Бухоро. 27. Оттава. 28. Паркент. 29. Шамс. 31. Улоқ. 32. Шофиркон. 33. Скипидар.

Бўйига: 1. Маданият. 2. Панж. 3. Эшелон. 4. Мадина. 5. Шпат. 6. Кинескоп. 9. Огаҳий. 14. Оркестр. 16. Лауреат. 17. Оптик. 18. Ақиқа. 21. Шоумаров. 22. Прокат. 23. Савдогар. 26. Оптика. 27. Оталиқ. 30. Смит. 31. "Умид".



Спорт

ПОЛВОНЛАР БЕЛЛАШУВИ

Шу кунларда Республикада "Кураш менинг ифтихорим" шиори остида кураш ойлиги ўтказилмоқда. Жойларда етти ёшдан етмиш ёшгача бўлган барча кишилар ушбу тадбирда фаол иштирок этмоқдалар.

Кун кеча Сурхондарё вилояти ички ишлар идоралари ходимлари ҳам ушбу ойликдан четда қолмасликларини исботлашди. Бошқарманинг спорт зали эрта тонгдан кураш ишқибозлари ҳамда полвонлар билан гавжум бўлди. Бу ерда вилоятнинг барча шаҳар ва туман ички ишлар бўлимларидан келган юздан ортик спортчилар голиблик учун ўзаро беллашдилар.

Мусобақани бошқарма бошлигининг ўринбосари, милиция майори С. Пўлатов кириш сўзи билан очиб, иштирокчиларга омад тилади. Шундан сўнг гиламга полвонлар таклиф этилди.

Барча рақиблари курагини ерга теккизган Термиз шаҳар ИИБ ходимлари жамоа ҳисобида биринчи, Термиз тумани ИИБ вакиллари иккинчи, вилоят ИИБ кўриқлаш отряди полвонлари эса учинчи ўринни қўлга киритдилар. Ўз вазн тоифасида ҳам голиблар аниқланди. Термиз шаҳар ИИБ ходими, милиция катта лейтенанти Ч. Алманов (66 кг), Жарқўрғон тумани ИИБ ходими, милиция старшинаси Н. Абраев (73 кг), Қизирик тумани ИИБ ходими, милиция майори И. Шоймуродов (81 кг), Шеробод тумани ИИБ ходими, милиция сафдори А. Чоршанбиев (90 кг) ҳамда вилоят ИИБ ЖКБ тезкор ходими, милиция подполковниги Б. Арзиев (90 кг. дан юқори)лар шохсупанинг юқори поғонасига кўтарилдилар.

Голибларга бошқарманинг Фахрий ёрлиқлари ва қимматбахо совғалар топширилди.

С. АБДУВОҲИДОВ,
ички хизмат катта лейтенанти.

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Алоқа бўлими раҳбарияти ва шахсий таркиби Сурхондарё вилояти ИИБ Алоқа бўлими бошлиғи, милиция подполковниги Қилич Ёқубовга отаси

НУРАЛИ отанинг

вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик билдирадилар.

Тошкент шаҳар ИИББ раҳбарияти ва шахсий таркиби ички ишлар идоралари фахрийси **Абдулла Макамович МАКАМОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

Тошкент вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби Қибрай туман ИИБ бошлиғи ўринбосари Алихўжа Шойсаевга волидаи муҳтарамаси **ҚУМРИ аянинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

Қашқадарё вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби ЖООБ бошлиғи, милиция полковниги Низомиддин Ғуломовга укаси **Хусниддин ИКРОМОВ**нинг вафоти билан чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

КЕЛГУСИ HAFTA UCHUN MUNAJJIMLAR BASHORATI

ҚУЙ (21 март — 20 апрель)

Янги йилнинг дастлабки ҳафтасида ишқий саргузаштнинг гувоҳи бўласиз. Севган кишингиз ўз туйғулариини намойиш этади. Сизнинг эҳтиросга берилишингиз саломатлигингиз билан боғлиқ муаммоларни келтириб чиқариши мумкин. Олдиндан бунга тайёр туринг.

СИГИР (21 апрель — 21 май)

Ҳафтанинг бошида кутилаётган касб маҳоратингиз ўзгалар муаммоси ҳал этилишига олиб келади. Пайшанба кун иложи борича эҳтиросга берилманг. Акс ҳолда ўз устингиздан назоратни йўқотиб қўйишингиз мумкин. Жума кунни ижодга, дам олиш кунларини эса қариндошларингиз билан мулоқотта банишланиш маслаҳат берамиз.

ЭГИЗАКЛАР (22 май — 21 июнь)

Сешанба ва жума кунлари янги танишлар билан муомала қилаётганда ортикча сўзлаб юбормасликка ҳаракат қилинг. Ҳафтанинг охиридаги ҳар қандай сафар муваффақиятли яқунланади.

ҚИСҚИЧБАҚА (22 июнь — 23 июль)

Янги йилнинг дастлабки кунлари ҳар қандай юмушни бажаришга дадил киришаверинг, юлдузлар сиз томонда. Пайшанба кун молиявий ютуқ кутилмоқда. Дам олиш кунларини хонадонингизда ўтказганингиз маъқул.

АРСЛОН (24 июль — 23 август)

Агар Янги йилни дўстлар билан битим тузишдан бошлашга қарор қилган бўлсангиз қийинчиликларга шай туринг. Жума кун анча вақтдан бери кутаётган янгиликдан хабар топасиз. Яқинда кунги ишқий саргузаштдан кўнглингиз кўтарилади.

БОШОҚ (24 август — 23 сентябрь)

Ҳафтанинг бошида яқин келажакка мўлжаллаб тузган режаларингизни амалга оширинг. Чоршанба кун юзага келган муаммони ҳал этишга яқин кишингиз кўмаклашади. Шанба кун оила аъзоларингиз билан низо келиб чиқиши эҳтимолдан холи эмас.

Сурхондарё вилояти Ички ишлар бошқармаси раҳбарияти, шахсий таркиби ва Фахрийлар кенгаши бошқарма Алоқа бўлимининг бошлиғи, милиция подполковниги Қилич Ёқубовга отаси **НУРАЛИ отанинг** вафот этгани муносабати билан ҳамдардлик билдирадилар.

Самарқанд вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби ички хизмат майори Саодат Рустамовага турмуш ўртоғи **Руслан Жўраев**нинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдирадилар.

Самарқанд шаҳар ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби шаҳар милиция бўлини маси профилактика гуруҳи воёга етмаганлар билан ишлаш инспектори, милиция капитани Зебо Ризаевага отаси **Ҳошим РИЗАЕВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

ТАРОЗИ (24 сентябрь — 23 октябрь)

Янги йил байрамидан сўнг катта куч-қувват талаб этадиган ишларга дарҳол киришмаганингиз маъқул. Сабр-бардошли бўлишингизга қарамай бу саломатлигингизга таъсир кўрсатиши эҳтимолдан холи эмас. Ажойиб инсон билан яқинба кунги танишув узок вақт ёдингизда қолади.

ЧАЁН (24 октябрь — 22 ноябрь)

Касбингиз билан боғлиқ масалани ечишда ички туйғунгизга таяниб иш кўринг. Пайшанба кун ишбилармонлик музокараларида муваффақият қозонасиз. Шанба кун севаган кишингиз билан келишолмай қолишингиз эҳтимолдан холи эмас.

ЕЙ (23 ноябрь — 21 декабрь)

Душанба кун алданиб қолишдан эҳтиёт бўлинг. Чоршанба — ишингиз юришмайдиган кун. Кейинги кунларда ҳаменингизга пул тушади, инсоний муносабатлардан кўнглингиз кўтарилади.

ТОҒ ЭЧКИСИ (22 декабрь — 20 январь)

Ушбу ҳафтада йирик битимларни имзолаш ва катта режалар тузишга кўнмаганингиз маъқул. Чоршанба ва жума кунлари ҳамкасблар ва дўстларингиз билан илиқ муносабатларни сақлаб қолиш учун кўшимча куч сарфлашингизга тўғри келади. Дам олиш кунлари хонадонингиздаги татуликдан дилингиз яйраб кетади.

ҚОВҒА (21 январь — 19 февраль)

Сешанба кун баракали меҳнат қилиб, мураккаб ишни низоҳасига етказасиз. Пайшанба кун эски кадрларингиз билан учрашув кутилмоқда. Юлдузлар дам олиш кунлари яқин кишилар билан муносабатларингиз ёмонлашишига олиб келувчи вазият юзага келганда ўзингизни босиқ тутишга ундамоқда.

БАЛИҚ (20 февраль — 20 март)

Ҳафтанинг бошида харид қилишга дадил киришаверинг. Чоршанба кун муҳим янгиликдан хабар топасиз. Пайшанба кун кўшимча даромад ишлаб олиш имконияти бор. Дам олиш кунлари асосий вақтингиз ажойиб даврада қувноқ ўтади.

O'ZBEKISTON
RESPUBLIKASI
BIRLASHGAN
TAHRIRIYATI

MANZILIMIZ:
700029,
Toshkent,
Yunus Rajabiy
ko'chasi, 1

Gazeta haftaning juma
kunlari chiqadi.

Bosh muharrir
Zokir ATAYEV

Muharrir
Erkin SATTOROV
(Bosh muharrir
o'rinbosari v.b.)

Navbatchi:
S. SHAMSIDDINOV
Musahhihlar:
M. AKRAMOVA
G. XOLIQOVA
Sahifalovchi va dizayner:
A. MIRZAMUHAMEDOV

TELEFONLAR:
Bosh muharrir
o'rinbosari — 139-77-23.
mxbirlar
bo'limi 139-75-69.
Faks 54-37-91.

Gazeta tarqatish masalalari
bo'yicha murojaat uchun
faks: 54-37-91,
peyjer: (088) 36-97, 55-19.

Reklama bo'limi
peyjer (088) 55-54

Bizning hisob raqamimiz
O'zbekiston Respublikasi
Markaziy banki
Toshkent shahar Bosh
boshqarmasi hisob-kitob —
kassa markazida:
21506000200447980001,
MFO 00014.

• Ko'chirib bosishda
«Postda»dan ekanligini
ko'rsatish shart
• Maqolada keltirilgan
raqamlar, faktlar va boshqa
ma'lumotlar, shuningdek,
ochiq e'lon qilinishi mumkin
bo'lmagan ma'lumotlar
uchun muallif javobgar
hisoblanadi.
• Muallifning mulohazasi
tahririyat fikriga mos
tushmasligi mumkin.
• Qo'lyozmalar tahlil
qilinmaydi va qaytarilmaydi.

Gazeta IBM kompyuterida
terildi va sahifalandi.

Ro'yxatdan o'tish
tartibi № 00007.
Buyurtma G — 1005.
Hajmi — 4 bosma taboq.
Bosilish — ofset usulida.

Bosishga topshirish
vaqti — 19.00.
Bosishga
topshirildi — 18.00.

Obuna raqami — 180

105 006 nusxada
chop etildi.

«SHARQ»
nashriyot-matbaa konserni
bosmaxonasi.
Korxonalar manzili:
Buyuk Turon ko'chasi
41-uy.

1, 2, 3, 4, 5, 6.